

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc 06.01.2018. ТАР.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

АЛЛАЕВА НИГОРА АШИРОВНА

**XVI – XIX АСРНИНГ 70-ЙИЛЛАРИДА ХИВА ХОНЛИГИ
ТАШҚИ АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Аллаева Нигора Ашировна

XVI – XIX асрнинг 70-йилларида Хива хонлиги

ташқи алоқалари тарихи 3

Аллаева Нигора Ашировна

История внешних связей Хивинского ханства

в XVI – 70-х годах XIX в. 39

Allaeva Nigora Ashirovna

The History of Foreign Relations

of the Khiva Khanate in the 16th – 70-s of 19th century 73

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 78

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc 06.01.2018. ТАР.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

АЛЛАЕВА НИГОРА АШИРОВНА

**XVI – XIX АСРНИНГ 70-ЙИЛЛАРИДА ХИВА ХОНЛИГИ
ТАШҚИ АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (Dsc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2017.1. Dsc/Tar3 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uzhistory.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Ғуломов Хондамирмирза Ғафурович**
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Юсупова Дилором Юнусовна**
тарих фанлари доктори, профессор академик

Абусейтова Меруерт Хуатовна
тарих фанлари доктори, профессор

Мавланов Уктам Махмасабирович
тарих фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети**

Диссертация ҳимояси Тарих институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 06.01.2018. Таг. 56.01. рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шахрисабз тор кўчаси, 5-уй. ЎзР ФА Тарих институти 2-қават, мажлислар зали. Тел.: (99871) 233-54-70; факс: (99871) 233-39-91. E-mail: info@uzhistory.uz – Тарих институти).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй). Тел.: (99871) 262-74-58; факс: (99871) 262-34-41.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.С. Сагдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор, академик

М.Х. Пайзиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.н.

А.Х. Дониёров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон ҳамжамиятининг замонавий глобаллашув жараёни бевосита минтақалараро алоқаларнинг тарихий илдизларига чамбарчас боғлиқ. Марказий Осиё минтақаси турли маданиятлар ва сиёсий ҳамда иқтисодий манфаатлар кесишган ҳудуд сифатида бу борада алоҳида ўринга эга. Минтақадаги Хоразм ўлкаси эса, умуминсоний кадриятлар ривожига катта хисса қўшган қадимий цивилизация ўчоқларидан бири бўлиб, унинг тараққиёти дунё халқлари тарихи билан узвийликда кечган. 1990 йилда Хива шаҳридаги «Ичан-қалъа» меъморий ёдгорлигининг халқаро ЮНЕСКО ташкилоти жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилиб, 1997 йилда Хива шаҳри 2500 йиллик юбилейининг дунё миқёсида нишонланиши бунинг ёрқин далилидир.

Геостратегик жойлашуви ва иқтисодий имкониятларига кўра, Марказий Осиё минтақасида муҳим ўрин тутган Хоразм воҳаси сўнгги ўрта асрларда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолган эди. XVI аср бошларида бу ерда вужудга келган Хива хонлигининг тарихий ривожланишида унинг Марказий ва Жануби-Ғарбий Осиёдаги давлатлар билан олиб борган ташқи алоқалари катта рол ўйнаган. Шу жиҳатдан, Хива хонлигининг кўшни давлатлар билан ўзаро алоқаларини тадқиқ этиш тарихий воқеликни локал, яъни тор доирада эмас, минтақа ва минтақалараро даражада кўриш имконини беради. Айниқса, унинг ҳудудий жиҳатдан чегарадош бўлган давлатлар билан муносабатлари тарихини ўрганиш орқали минтақада юз берган интеграция жараёнларини чуқур ва ҳар томонлама баҳолаш мумкин. Бугунги кунда хорижнинг кўпгина етакчи илмий марказларида Хива хонлиги тарихини ўрганишга қаратилган махсус лойиҳалар устида иш олиб борилаётганлиги ҳам ушбу мавзунинг халқаро миқёсдаги зарурати ва долзарблигини кўрсатади¹. 2018 йилда Ўзбекистон Марказий давлат архиви И-125 фондидаги «Хива хонлиги девонхонаси ҳужжатлари»нинг ЮНЕСКО «жаҳон хотираси дастури»га киритилиши бу ҳудуднинг дунё тарихида тутган ўрнига берилган муносиб баҳо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси дунёнинг йирик давлатлари билан кенг миқёсли ҳамкорлик олиб бораётган, айниқса, унинг жаҳон ҳамжамияти билан ташқи алоқалари янги сифат босқичига кўтарилаётган шароитда халқаро алоқалар тарихини чуқур тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, «бизнинг миллий давлатчилигимиз неча минг йиллик қадимий тарих ва бой маданиятга эга. Бинобарин, дипломатик муносабатлар ҳам тарихимизнинг энг чуқур қатламларига бориб тақалади. Бу ҳақиқат нафақат мамлакатимиз, балки дунё олимлари томонидан кенг эътироф этилган»². Шу

¹ Бу борада диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳида батафсил маълумотлар келтирилган.

² [Электрон ресурс:] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари фаолиятига бағишланган йиғилишдаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/1423>

жиҳатдан, XVI-XIX асрларда Ўрта Осиё, жумладан, Хива хонлиги ташқи алоқаларини бирламчи манбаларга таянган ҳолда тадқиқ қилиш Ўзбекистон дипломатияси бош тамойиллари ва устувор йўналишларининг тарихий илдизларини очиб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ва 2017 йил 19 майдаги ПФ-5046-сон «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, шунингдек, ушбу соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жаmiятнинг маънавий-маърифий, маданий ривожланиши, инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши» дастури устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³.

Марказий Осиё, жумладан Хива хонлиги тарихи, унинг ташқи алоқаларига оид илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Принстон университети Шарқшунослик факультети (АҚШ), Австрия Фанлар академияси Эроншунослик институти (Австрия), Бонн университети Шарқшунослик институти (Германия), Санкт-Петербургдаги «Олий иқтисодиёт мактаби» Миллий тадқиқот университети, Россия давлат Эрмидажи, Екатеринбургдаги Урал федерал университети (Россия), Тожикистон Фанлар академияси Тарих, археология ва этнография институти (Тожикистон), Сулаймон Демирел номидаги университет (Қозоғистон), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти (Ўзбекистон) томонидан олиб борилмоқда.

Марказий Осиё ва Хива хонлиги тарихи, унинг ташқи алоқаларига оид илмий изланишлар бўйича қатор, жумладан қуйидаги натижалар олинган: XVI аср биринчи ярмида Бухоро ва Хива хонликларининг Эрон Сафавийлари билан ўзаро муносабатларидаги зиддиятли ҳолатлар, Хуросон ҳудуди учун олиб борилган кураш ва унинг асосий омиллари очиб берилган (Department of Oriental Studies of Princeton University, АҚШ); Ўзбекистон Марказий Давлат архивидаги «Хива хонлиги девонхонаси ҳужжатлари»нинг нафақат хонлик, балки минтақа тарихига доир муҳим манба сифатидаги аҳамияти кўрсатиб берилган ва XVIII-XIX асрларда Хива-Эрон элчилик алоқалари

³ Диссертация бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <http://www.ipis.ir>, <http://www.princeton.edu>, <http://www.indiana.edu>, <http://www.utoronto.ca>, <http://www.oaaw.at>, <https://www.ioa.uni-bonn.de>, <https://urfu.ru>, <https://www.hse.ru>, <https://www.hermitagemuseum.org>, <http://anrt.tj/ru>, <http://iie.kz>, <http://sdu.edu.kz> ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

юзасидан илмий хулосалар ишлаб чиқилган (Institute of Iranian Studies, Austrian Academy of Sciences (Австрия); XVIII-XIX асрларда Хива хонлигидаги рус асирларининг «Хотиралари» асосида Ўрта Осиё, жумладан Хива хонлигида кул савдоси, ижтимоий табақалар ва гуруҳлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар таҳлил этилган (Institute of Oriental Studies of Bonn University, Германия); XVIII-XIX аср биринчи ярми Россия империяси ташқи сиёсатида «Хива омили», яъни минтақадаги воқеаларда Хива хонлигининг иштироки ва таъсири масаласини очиб бериш устида иш олиб борилмоқда (Уральский федеральный университет им. первого Президента России Б.Н. Ельцина, Россия); XVIII-XX аср бошларида Россия империясининг Марказий Осиёда олиб борган сиёсатининг ҳуқуқий жиҳатларини ёритувчи бир қатор ишларда тарихий шахсларнинг, хусусан, Хива хонларидан Оллоқулихон ҳамда Муҳаммад Раҳимхон II ларнинг шахси, уларнинг юритган ички ва ташқи сиёсатига баҳо берилган (Национальный исследовательский университет «Высшая школа экономики», Россия); Россия давлат миллий фондининг махсус лойиҳаси доирасида Хива хонлигининг Россия империяси билан ўзаро муносабатлари ва ўзаро савдо алоқаларини ривожлантириш масалалари Россия архив ҳужжатлари асосида ёритилган (Государственный Эрмитаж, Санкт-Петербург: Россия); Эрон ҳукмдори Нодиршоҳнинг Ўрта Осиёга юриши даврида (XVIII аср) Хива-Эрон муносабатлари ва минтақада юзага келган сиёсий вазият таҳлил этилган (Тожикистон Фанлар академияси Тарих, археология ва этнография институти); «Қозоқлар ва Қозоғистон тарихининг Хива ёзма манбаларида акс этиши»га бағишланган илмий лойиҳа доирасида Хоразм «Солномалари» ва уларнинг Қозоғистон тарихини ўрганишдаги ўрни ҳамда Хива-Қозоқ алоқаларининг муҳим йўналишлари, жумладан, ўзаро савдо-сотик ва хўжалик муносабатлари кўрсатиб берилган (Университет им. Сулеймана Демиреля, Қозоғистон).

Дунё миқёсида XVI-XIX асрларда Хива хонлиги тарихи бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: Хива хонлигининг ташқи алоқалари, жумладан унинг Россия, Эрон, Хитой давлатлари билан савдо-дипломатик муносабатларини тадқиқ этиш; Хива хонлигида кулчилик ва кул савдоси масаласини трансминтақавий сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқлигини асослаб бериш; хонликда вақф хўжалигининг ўзига хос жиҳатларини, шариатнинг ҳуқуқий асослари ҳамда Хива хонлари даргоҳи ва девонида иш юритиш анъаналарини, юз берган трансформацион жараёнларни аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мавжуд адабиётлар таҳлили кўрсатадики, Хива хонлигининг сўнгги ўрта асрларда Бухоро ва Қўқон хонликлари, Қозоқ жузлари ҳамда Эрон давлати билан ўзаро алоқалари тарихига доир комплекс тадқиқот бугунги кунга қадар амалга оширилмаган. Лекин, катта ҳажмдаги илмий адабиётлар кластерида олинган мавзунинг у ёки бу масалалари, жиҳатлари ва даврлари ўз аксини топган бўлиб, улар *ҳудудий* ва *муаммовий* жиҳатдан *олтита гуруҳга* ажратиб таҳлил этилди.

Хива хонлигининг Россия билан ўзаро муносабатлари тарихи нисбатан кенг ўрганилган йўналиш ҳисобланади. Бу ишлар, асосан, Россия ва Хива хонлиги ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ўрганишга ҳамда кўп ҳолларда икки давлат ўртасидаги муносабатларда манфаатли томонни аниқлашга қаратилган. 1990 йилдан бошлаб, ушбу йўналишда бир қатор тадқиқотлар пайдо бўлдики, улардаги Россия-Хива сиёсий-дипломатик муносабатлари, уларни боғловчи қарвон йўллари, «дипломатик протокол» масалалари ҳамда минтақадаги геосиёсий ҳолатга доир маълумотлар нафақат илмий, балки амалий жиҳатдан ҳам аҳамиятга эга.

Хива хонлигининг Эрон давлати билан олиб борган ўзаро муносабатлари энг кам ўрганилган мавзу бўлиб, мавжуд ишларнинг аксарияти даврий жиҳатдан XIX аср билан чегараланган. Хива хонлиги ва Эрон ўртасидаги дипломатик ҳамда ҳарбий-иттифоқчилик алоқаларига доир маълумотлар Россиянинг Эрон ва Туркменистон билан алоқаларини, шунингдек, Эрон, туркманлар ва Туркменистоннинг умумий тарихини ўрганишга бағишланган ишларда ҳам келтирилган.

Хива хонлиги ва Қозоқ жузлари алоқалари тарихининг турли жиҳатлари Қозоғистоннинг умумий тарихига бағишланган тадқиқотларда кўпроқ ўз ифодасини топган. Улар Қозоқ жузларининг Россия ва бошқа ҳудудлар билан ўзаро алоқаларига доир масалалар қаторида Хива хонлиги тарихининг турли жиҳатларини ҳам акс эттиради. Шу билан бирга, мазкур ишларнинг аксарияти асосан Қозоғистон ёки Россия тарихини ўрганишга бағишланганлиги боис, Хива хонлигига доир тарихий воқеаларни талқин қилишда баъзи хронологик номуносивбликлар ва чалкашликлар мавжуд. Шунингдек, турли тарихий маълумотларни таҳлил қилиш жараёнида Хива хонлигининг манфаатлари эътибордан четда қолганки, бу аксарият ҳолларда масалага бир ёқлама ёндашувни келтириб чиқарган ҳамда кўплаб саволларнинг очиқ қолишига сабаб бўлган.

Хива, Бухоро ва Қўқон хонликларининг ўзаро дипломатик алоқалари махсус тадқиқот доирасида ўрганилмаган. Бир нечта илмий мақола ҳамда Хоразмда тарихнавислик ёки Қўқон хонлиги тарихига бағишланган умумий ишларда масаланинг айрим жиҳатлари ўз аксини топган.

Дипломатия тарихи ва назариясига бағишланган ишлар олинган мавзу борасида, хусусан, Хива хонлигида дипломатик институтларнинг умумий ва ўзига хос жиҳатлари, шунингдек, уларнинг муҳим босқичлари ва шакллари юзасидан тегишли хулосалар чиқаришга имкон берди.

Тадқиқотда Хива хонлиги ташқи алоқаларининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда асосий омилларини аниқлашда мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётига доир ишлардан ҳам фойдаланилди. Амалга оширилган тарихшунослик таҳлили XVI-XIX аср 70-йилларида Хива хонлиги ташқи алоқалари тарихини комплекс тарзда тадқиқ қилиш ҳам илмий-назарий, ҳам илмий-амалий жиҳатдан зарур эканлигини кўрсатади. (тадқиқотнинг

ўрганилиш даражаси ҳақида диссертациянинг 1-бобида батафсил маълумот берилган).

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация Тарих институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А1-ФА-0-13634 ФА-А1-Г039 «Ўзбекистон давлатчилиги тизимида дипломатик институтлар: тараққиёт босқичлари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари (V – XIX аср биринчи ярми)» мавзусидаги амалий ҳамда И1-ФА-Г003 ИЗ-2015-0907175446 «Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан лавҳалар» мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XVI-XIX асрнинг 70-йилларида Хива хонлиги ташқи алоқаларининг Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатчилиги тарихида тутган ўрнини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

форс ва туркий (чиғатой) тилларидаги нарратив (ёзма) асарларни расмий архив ҳужжатлари ҳамда «Сафарнома»лар билан қиёслаш асосида мавзуга доир маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва холислигини аниқлаш, шу орқали улар билан ишлаш юзасидан амалий хулосалар бериш;

XVI аср бошларида минтақадаги сиёсий вазият ва кучлар нисбатини аниқлаш ҳамда Хива хонлигининг ташкил топишида анъанавий ташқи алоқаларнинг ўрни масаласини очиб бериш;

хонлик давлат бошқарувининг ташқи сиёсат билан боғлиқ жиҳатларини таҳлил этиш;

Хива, Бухоро ва Қўқон хонликларининг ўзаро муносабатларини тадқиқ қилиш;

Хива-Қозоқ алоқаларининг ўзига хос жиҳатлари ва уларга таъсир этган муҳим омилларни аниқлаш;

хонликнинг бошқа давлатлар билан олиб борган ташқи алоқаларида «Россия омили»нинг таъсирини аниқлаш ва кўрсатиб бериш;

Хива хонлигининг Эрон билан ўзаро дипломатик муносабатлари динамикасини таҳлил қилиш, мавжуд анъаналар ва юз берган ўзгаришларни очиб бериш;

XVI-XIX асрнинг 70-йилларида Марказий Осиёдаги сиёсий вазият ва Хива хонлигининг минтақа халқаро алоқалар тизимида тутган ўрни юзасидан хулосалар бериш;

хонлик ташқи алоқаларининг институционал моҳиятини, яъни халқаро муносабатлар механизмининг асоси ҳисобланган «дипломатик протокол» масаласини таҳлил қилиб, хорижий элчиларни қабул қилиш маросими ва дипломатик этикетнинг асосий қоидаларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида XVI-XIX асрнинг 70-йилларида Хива хонлиги ташқи дипломатик алоқалари масаласи белгиланган.

Тадқиқотнинг предметини Хива хонлигининг Бухоро ва Қўқон хонликлари, Қозоқ жузлари ҳамда Эрон давлати билан ўзаро муносабатлари масаласи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихий объективлик, компаратив, статистик ва контент таҳлил ҳамда герменевтика усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Хива хонлигидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва хонлик ташқи алоқаларининг устувор жиҳатларини жаҳон тарихи контекстида ёритган ҳолда «Хива хонлиги ташқи дунёдан узилиб қолган, изоляция ҳолатидаги қоқоқ давлат» деган қарашнинг асосизлиги исботланган;

хонликнинг ташкил топиш жараёни, бевосита Хоразмнинг Дашти Қипчоқ билан анъанавий алоқаларига боғлиқ ҳолда кечганлиги, унда давлат бошқаруви ва ҳокимият легитимациясининг «чингизийлар омили» асосий таъсир этувчи ҳамда маҳаллий халқ вакиллари бош ҳаракатлантирувчи куч бўлганлиги асослаб берилган;

Хива хонлиги дипломатик алоқаларининг ўзига хос жиҳатлари, жумладан, худудида хорижий давлатларнинг элчихоналари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки зиддиятли вазиятларда ҳам қўшни (Бухоро, Қўқон хонликлари ва бошқа) мамлакатлар билан кенг миқёсда элчилар алмашинуви йўлга қўйилганлиги кўрсатиб берилган;

Хива хонлиги ва Эрон ўзаро муносабатларидаги шийа-сунний зиддияти фақатгина диний қарама-қаршилик эмас, кўпроқ, томонларнинг иқтисодий манфаатлари ва уларни химоя қилиш учун олиб борилган сиёсат билан боғлиқлиги асослаб берилган;

XIX асрда Хива хонлиги ташқи алоқаларининг умумий ҳолатига, айниқса Хива-Қозоқ муносабатларига жиддий таъсир кўрсатган «Россия омили»нинг кучайишига умумий сиёсий ва иқтисодий манфаатларнинг Қозоқ даштидаги тўқнашуви сабаб бўлганлиги далилланган;

дипломатик корреспонденция – «иншо» ёки «мактубот»нинг «иноятнома», «истимолатнома», «маъзиратнома», «муволифатнома», «муросила», «муҳаббатнома», «сулҳнома», «таҳниятнома», «фатҳнома» сингари турлари ҳамда уларнинг Хива хонлиги дипломатик музокараларининг туб моҳиятини очиб беришдаги роли аниқланган;

хорижий элчиларни қабул қилиш маросими ва «дипломатик этикет» қоидалари орқали Хива хонлиги ташқи алоқаларининг асосий механизми, хусусан, «элчилик хизмати»нинг фаолияти ва халқаро музокараларни олиб бориш тартиблари кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

илк бор илмий муомалага киритилган Эрон, Россия, Ўзбекистон архив фондларидаги 18 та форс, туркий ва рус тилларидаги расмий ҳужжатлар, жумладан, Эрон ҳукмдорлари Аббос I, шоҳ Сафи ва Муҳаммадшоҳ томонидан Хива хонлари Араб Муҳаммадхон, Исфандиёрхон, Абулғозихон

Оллоқулихонга, шунингдек, Қўқон ҳукмдори Султон Саййидхоннинг Хива хони Саййид Муҳаммадхонга ҳамда Бухоро шахзодаси Абдумалик Катта тўранинг Муҳаммад Раҳимхон II га ёзган мактублари асосида «шиъа-сунний зиддиятлари»нинг асл моҳияти, унинг сиёсий ва иқтисодий манфаатлар билан боғлиқ жиҳатлари, Хива хонлигининг минтақадаги геостратегик аҳамияти ва Ўрта Осиё хонликларининг ўзаро ҳамкорлик алоқалари сингари Марказий Осиё тарихининг баҳсли ва кам ўрганилган масалаларига аниқлик киритилган;

қўшни давлатлар тарихига бағишланган тарихий асарлар ва турли расмий ҳужжатларни таҳлилга тортиш орқали Хива хонлигининг энг кам ўрганилган қисми, яъни Арабшоҳийлар сулоласининг ҳукмронлик даври (1511-1700) тарихи бир қатор янги материаллар, хусусан, Араб Муҳаммадхон, Исфандиёрхон, Абулғозихон ва Анушахонларнинг давлат бошқаруви ҳамда ташқи алоқаларига доир маҳаллий манбаларда учрамайдиган ноёб маълумотлар билан тўлдирилган;

Хива хонлари саройида хорижий элчиларни қабул қилиш маросимини тасвирлаш ҳамда Муҳаммад Раҳимхон I, Оллоқулихон ва Муҳаммад Раҳимхон II сингари ҳукмдорларнинг шахсий жиҳатларини ёритиш орқали уларнинг кучли етакчилик қобилиятлари очиқ берилган. Бу маълумотлар Ўзбекистон давлатчилиги тарихининг «хонликлар даври»ни ёритувчи ҳужжатли ва бадиий фильмлар яратишда далилий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги форс, туркий ва рус тилларидаги бирламчи манбалар, жумладан, расмий архив ҳужжатларининг қиёсий-танқидий таҳлил асосида ўрганилганлиги, ишнинг умумқабул қилинган тарихий тадқиқот усуллари ҳамда замонавий илмий-назарий ёндашувларга таянган ҳолда бажарилганлиги, аниқланган янги маълумотларнинг амалиётга жорий этилганлиги, улар асосида тегишли хулоса, таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги ҳамда натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, Хива хонлиги тарихини ўрганишга янги ёндашувни, хусусан, уни *глобал тарих* ёки *жаҳон тарихи*, яъни минтақа ва минтақалараро миқёсда содир бўлган воқеалар контекстида тадқиқ этишни ривожлантиришга, форс, туркий ва рус тилларидаги бирламчи манбаларни қиёслаш асосида Ўрта Осиё, Эрон, Қозоғистон ҳамда Россиянинг XVI-XIX асрлардаги тарихини чуқурроқ англашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти замонавий интеграциялашув жараёнида Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан олиб бораётган кенг миқёсдаги дипломатик муносабатларини, иқтисодий ва маданий ҳамкорлигини ривожлантириш, Хоразм воҳасининг бой маданий-маънавий меросини тарғиб қилиш, миллий ғоянинг тарихий асосларини мустаҳкамлаш ҳамда ички ва ташқи туризмни такомиллаштиришга қаратилган мақсадли

давлат дастурларининг бажарилишига хизмат қилиши, шунингдек таълим муассасаларида Ўзбекистоннинг Марказий ва Жануби-Ғарбий Осиё давлатлари билан ўзаро алоқалари тарихига доир махсус курслар ташкил этишда, ўқув қўлланмалар чиқаришда фойдаланиш мумкинлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XVI-XIX асрнинг 70-йилларида Хива хонлигининг ташқи алоқалари тарихини ўрганиш натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Хива хонлигининг Эрон, Ҳиндистон ва Россия давлатлари билан олиб борган савдо-дипломатик алоқаларига доир маълумотлар ЎЗР ФА минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академиясида бажарилган ФА-Ф8-047 «Хоразм давлатчилиги тарихи (энг қадимги даврлардан 1924 йилгача)» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 4 декабрдаги 3/1255-3176-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши Хива хонлигининг XVI-XIX асрлар тарихини янги маълумотлар билан тўлдиришга, хонлик ташқи алоқаларининг характерини, унинг минтақадаги геостратегик аҳамиятини очиб беришга хизмат қилган;

дипломатик музокаралар туб моҳиятини очиб беришдаги дипломатик корреспонденция – «иншо» ёки «мактубот»нинг Хива хонлигидаги «иноятнома», «истимолатнома», «маъзиратнома», «тахниятнома», «сулҳнома» каби турларини аниқлашдаги илмий-назарий хулосалардан ЎЗР ФА Тарих институтида бажарилган ФА-Ф1-Г023 рақамли «Ўзбекистонда таълим тарихи ва тарихшунослиги: тажриба, муаммолар, ривожланиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 4 декабрдаги 3/1255-3176-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари Хива хонлиги даргоҳида иш юритиш ва тарихнавислик масалаларини ёритиб беришга хизмат қилган;

XVII-XIX асрларда Хива хонлигида юзага келган ижтимоий ва маданий-маънавий муҳит, Хоразм тарихнавислик мактабининг шаклланиши борасида билдирилган илмий-назарий хулосалардан ЎЗР ФА Тарих институтида бажарилган ФА-Ф1-Г023 «Ўзбекистонда таълим тарихи ва тарихшунослиги: тажриба, муаммолар, ривожланиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 4 декабрдаги 3/1255-3176-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари Хоразмда тарихнавислик мактабининг ривожланишига катта ҳисса қўшган Абулғози Баҳодирхон, Мунис, Огаҳий ва Баёнийлар томонидан яратилган тарихий асарларнинг Хива хонлиги ташқи алоқаларини ўрганишдаги аҳамиятини очиб беришга асос бўлган;

Хива хонлиги ва Қозоқ жузлари ўзаро алоқаларига доир маълумотлар Қозоғистон Республикаси Сулаймон Демирел номидаги университетда бажарилган «XVI-XX аср бошлари Хива ёзма ёдгорликларида қозоқлар ва Қозоғистон тарихи» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган

(Сулаймон Демирел номидаги университетнинг 2018 йил 22 ноябрдаги 05-2-2-14/1168-сон хати). Тадқиқотнинг илмий-назарий хулосалари Хоразм «Солномалари» ва уларнинг Қозоғистон тарихини ўрганишдаги ўрнини, Хива-Қозоқ муносабатларининг асосий омилларини очиб беришга асос бўлган, шу билан бирга, бугунги кунда Ўзбекистон ва Қозоғистон республикалари ўртасидаги илмий ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Хива Ичан қалъа кўриқхона-музейи архивида сақланаётган ва тадқиқот жараёнида илк бор илмий муомалага тортилган Эрон шоҳи томонидан Хива хони Оллоқулихонга юборилган мактубнинг асл нусхаси (XIX аср), шунингдек, Хиванинг Бухоро ва Қўқон хонликлари, Қозоқ жузлари ҳамда Эрон давлати билан ўзаро дипломатик алоқаларига доир маълумотлар Ичан қалъа кўриқхона-музейининг илмий-тадқиқот ва маданий-маърифий ишларида, жумладан, тегишли экспозицияларни янгилашда, архив ҳужжатлари рўйхатларини тўлдиришда фойдаланилган (Маданият вазириликнинг 3 декабрдаги 01-11-08-8312-сон маълумотномаси). Тақдим этилган материаллар Хоразмнинг сўнгги ўрта асрлардаги тарихини янги материаллар асосида кенг жамоатчиликка тарғиб қилишга асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 25 та илмий конференцияда, жумладан Австрия (Вена, Бадхофгаштейн), Буюк Британия (Кэмбридж), Германия (Готтенхайм, Берлин), Россия (Москва), Туркменистон (Ашхобод), Тожикистон (Панжикент), Хитой (Пекин), Швецария (Цюрих)даги 12 та халқаро илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 1 та монография, 2 та жамоавий монографияда қисм, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 13 та мақола жумладан, 11 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиёт ва манбалар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 260 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи амалга оширилган, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, унинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги баён қилинган, ишнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий

натижалари ҳамда асосий тадқиқот усуллари кўрсатиб берилган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Хива хонлиги ташқи алоқаларининг институционал моҳияти ва муаммони ўрганишнинг назарий-услубий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида дастлаб олинган масаланинг тарихшунослик таҳлили амалга оширилган. Унда Хива хонлиги ташқи алоқаларининг нисбатан кенг ва энг кам ўрганилган йўналишлари, бугунги кунгача мавзу бўйича олинган натижалар ҳамда очик қолган масалалар, назарий-услубий ёндашувлар, учрайдиган муаммоли жиҳатлар таҳлил этилган.

Мавжуд адабиётлар таҳлили Хива хонлигининг сўнгги ўрта асрларда Бухоро ва Қўқон хонликлари, Қозоқ жузлари ҳамда Эрон давлати билан ўзаро алоқалари тарихига доир комплекс тадқиқот бугунги кунга қадар амалга оширилмаганлигини кўрсатади. Шу билан бирга, олинган мавзунинг у ёки бу масалалари, жиҳатлари ва даврлари турли адабиётларда ўз аксини топган. Диссертацияда фойдаланилган илмий адабиётлар, *ҳудудий ёндашув* асосида (Хива хонлигининг Россия, Эрон, Бухоро ва Қўқон хонликлари, Қозоқ жузлари билан алоқалари) ҳамда *муаммовий жиҳатдан* (дипломатия тарихи ва назариясига бағишланган умумий ишлар, шунингдек мамлакатнинг умумий сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ёритиб берувчи адабиётлар) *олтита гуруҳга* ажратилиб таҳлил этилган.

Хива хонлигининг Россия билан ўзаро муносабатлари тарихи нисбатан кенг ўрганилган йўналиш ҳисобланади⁴. Бу ишлар, асосан, Россия ва Хива хонлиги ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ўрганишга ҳамда кўп ҳолларда икки давлат ўртасидаги муносабатларда манфаатли томонни аниқлашга қаратилган. Шунингдек, ушбу тадқиқотларнинг аксарияти совет даврида амалга оширилган бўлиб, келтирилган қимматли фактологик материалларга қарамасдан, уларда мафкуравий таъсир мавжуд бўлиб, масалага Ўзбекистон давлатчилиги ҳамда дипломатик институтлар нуқтаи назаридан ёндашилмаган.

⁴ Попов А. Сношения России с Бухарой и Хивой при Петре Великом // Записки ИРГО. Вып. 9. – Спб., 1853. – С. 237-424; Небольсин П.И. Очерки торговли России со странами Средней Азии: Хивой, Бухарой и Коканом // Записки Рус. Геогр. Общества. Т. X. – Спб., 1856; Залесов Н. Посольство в Хиву подполковника Данилевского в 1842 г. // Военный сборник. – 1861. – № 11. – С. 41-75; ўша муаллиф. Посольство в Хиву капитана Никифорова в 1841 г. // Военный сборник. – 1862. – № 9. – С. 41-92; Жуковский С.В. Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие. – Петроград. 1915. – 214 с.; Панков А.В. К истории торговли Средней Азии с Россией XVI – XVII вв. – Ташкент, 1927; Мухаммаджонов А. Бухоро ва Хиванинг Россия билан алоқаларига доир. – Тошкент, 1957; Соколов А.Ю. Новые данные о связях России со Средней Азией в XVIII в. // Труды САГУ. Вып. 140. – Ташкент, 1958. – С. 149-161; Байкова Н.Б. Роль Средней Азии в русско-индийских торговых связях (первая половина XVI – вторая половина XVIII века). – Ташкент, 1964; Амитов А. Русско-хивинские отношения в первой половине XIX в. – Ташкент, 1970; Садиков А.С. Россия и Хива (конец XIX – начало XX в.). – Ташкент, 1972; Киняпина Н.С., Блиев М.М., Дегоев В.В. Кавказ и Средняя Азия во внешней политике России (вторая половина XVIII – XIX вв.) – М., 1984.

Шу билан бирга, бу йўналишда салмоқли ўрин тутган айрим тадқиқотларни кўрсатиб ўтиш лозим. Жумладан, О. Аминов, М. Йўлдошев, Г. Тухтаметов, Ҳ. Зияевларнинг ишларида ўзаро иқтисодий, савдо-дипломатик алоқаларда икки томонлама манфаатдорлик мавжуд бўлганлиги асосланиб, Россиянинг Ўрта Осиёга бўлган иқтисодий қизиқишлари батафсил очиб берилган⁵.

1990 йилдан бошлаб, ушбу йўналишда бир қатор тадқиқотлар пайдо бўлди. Хусусан, Г.А. Агзамова, Л. Азиззода, Х. Пиримшоев, Х.Ғ. Гуломов, М. Ниязметов, А.А. Андреев и Р.Ю. Почекаев, шунингдек, А. Отамуродова ва О. Абдурахимовларнинг ишларида келтирилган Россия – Хива сиёсий-дипломатик муносабатлари, уларни боғловчи карвон йўллари, «дипломатик протокол» масалалари ҳамда минтақадаги геосиёсий ҳолатга доир маълумотлар нафақат илмий, балки амалий жиҳатдан ҳам аҳамиятга эга⁶.

Юқоридаги жиҳатларни ҳисобга олиб, мазкур тадқиқотда бевосита Хива-Россия муносабатларини тадқиқ этиш эмас, балки масалага Хива хонлигининг бошқа давлатлар билан ўзаро алоқаларида «Россия омили»ни кўрсатиб бериш нуқтаи назаридан ёндашиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Хива хонлигининг Эрон давлати билан олиб борган ўзаро муносабатлари энг кам ўрганилган мавзу бўлиб, мавжуд ишларнинг аксарияти даврий жиҳатдан XIX аср билан чегараланган⁷. Н.Д. Миклухо-Маклай ва Р.Г. Мукминованинг мақолаларида асосий эътибор Эроннинг Бухоро

⁵ Аминов О. XVI – XIX асрларда Ўрта Осиё – Россия. – Тошкент, 1958; Юлдашев М.Ю. К истории торговых и политических связей Средней Азии с Россией в XVI – XVII века. – Ташкент, 1964; Тухтаметов Г. Россия и Хива. – М., 1969; Зияев Х. XVIII асрда Ўрта Осиё ва Урал бўйлари. – Тошкент, 1973; ўша муаллиф. Ўзбекистоннинг Каспий-Волга бўйлари ва Оренбург орқали Россия билан элчилик муносабатлари тарихи. – Тошкент, 2014.

⁶ Агзамова Г.А. Среднеазиатские центры торговли и пути, связывающие их с Россией: Дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1990; ўша муаллиф. О караванных путях из Хивы в Оренбург // Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 1991. – № 12. – С. 43-48; Азиззода Л. Рус – хинд – ўзбек халқларининг тарихий алоқалари. – Тошкент, 2000; Пиримшоев Х. Российско-среднеазиатские отношения XVI – середина XIX в. – Душанбе, 2000; Гуломов Х.Г. Дипломатические отношения государств Средней Азии с Россией в XVIII – первой половине XIX века. – Ташкент, 2005; Ниязметов М. Поиск Консесуса. Российско-хивинские геополитические отношения в XVI – в начале XX века. – Санкт-Петербург, 2010; Андреев А.А. Хива и Россия в начале XVIII века, или история одной несостоявшейся провинции // Столицы и провинция. Материалы IV Международного конгресса петровских городов. – Санкт-Петербург: Европейский дом, 2013. – С. 259-272; Почекаев Р.Ю. К истории «буферных государств» на границах России: Аральское владение и его роль в русско-хивинских отношениях. XVIII – XIX вв. // Восточный архив. – 2015. – № 1 (31). – С. 12-18; ўша муаллиф. Память об экспедиции А. Бековича-Черкасского в русско-хивинских отношениях XVIII – XIX вв. // Новое прошлое (The new past). – 2016. – № 1. – С. 132-147; Отамуродова А., Абдурахимов О. Хива элчилари / Масъул муҳаррир Р. Жуманиёзов. – Тошкент, 2015.

⁷ Маннонов Б.С. Русско-иранские торгово-экономические отношения через Туркестан (последняя четверть XIX – начало XX в.) // Взаимоотношения народов Средней Азии и сопредельных стран Востока. – Ташкент: АН Уз ССР, 1963. – С. 77-130; ўша муаллиф. Отношения Ирана со среднеазиатскими ханствами во второй половине XIX века // Краткие сообщения Института народов Азии (КСИНА). Иранский сборник. Вып. 39. – М., 1963. – С. 56-71; ўша муаллиф. Хоразм тарихнавислигида Хива хонлиги ташки сиёсати // Шарқшунослик. – 1997. – № 8. – Б. 155-162; ўша муаллиф. Лолабошининг Хоразм сафари // Шарқшунослик. – Тошкент, 1997. – № 8. – Б. 69-73; ўша муаллиф. Элчига ўлим йўқ таомили нега бузилди? / Ўзбек дипломатияси тарихидан (тарихий очерклар ва лавҳалар) / М.М. Хайруллаев таҳрири остида. – Тошкент, 2003. – Б. 179-190; Валиева Д. Среднеазиатско-иранские отношения в первой половине XIX века // Взаимоотношения народов Средней Азии и сопредельных стран Востока. – Ташкент, 1963. – С. 60-66; ўша муаллиф. XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро ва Хиванинг ташки иқтисодий алоқаларига доир (Архив хужжатлари асосида) // Шарқшунослик. – 1997. – № 8. – Б. 162-168;

хонлиги билан ўзаро алоқаларига қаратилган бўлсада, уларда Хива хонлиги билан муносабатлари ҳам қисман ўз аксини топган⁸.

Айрим эронлик олимлар, жумладан, Али Акбар Вилоятӣ ва Аббосқули Ғаффорӣ Фардларнинг тадқиқотларида Хива – Эрон алоқаларига доир айрим маълумотлар келтирилган⁹. Лекин, ушбу муаллифларнинг ишларида, асосан, форс манбалари, яъни, Искандарбек Мунший, Муҳаммад Козим, Муҳаммад Маҳдихон Астрабодӣ каби сарой тарихчиларининг асарлари жалб этилганлиги, уларнинг Хоразм манбалари ёки архив маълумотлари билан таққослаб ўрганилмаганлиги айрим ноаниқликлар ва субъектив ёндашувларга олиб келган.

И.П. Петрушевский, М.Р. Арунова ва К.З. Ашрафян, П.П. Бушев, О.А. Амантыев, О. Экаев, М.А. Аннанепесов, И.К. Павлова, Сорли Ўроз Муҳаммад, Дж. Рота, Е. Смоларц, Ҳ. Муъиззийлар асосан, Россиянинг Эрон ва Туркменистон билан алоқалари, шунингдек, Эрон, туркманлар ва Туркменистоннинг умумий тарихини ўрганишга бағишланган ишларида Хива хонлиги ва Эрон ўртасидаги дипломатик ҳамда ҳарбий-иттифоқчилик алоқаларига доир маълумотларнинг мавжудлиги боис мазкур диссертация учун ҳам катта қимматга эга¹⁰.

М. Диксоннинг XVI асрда Ўрта Осиё – Эрон ўзаро муносабатларини ўрганишга бағишланган диссертациясини хориждаги махсус тадқиқотларнинг энг дастлабки ва муваффақиятлиси сифатида кўрсатиб ўтиш лозим¹¹. Муаллиф Эрон-Бухоро сиёсий муносабатларини нисбатан қисқа (16 йил)

⁸ Миклухо-Маклай Н.Д. К истории политических взаимоотношений Ирана со Средней Азии в XVI веке // Краткие сообщения Института востоковедения АН СССР. Вып. IV. – М., 1952. – С. 11-18; Мукминова Р.Г. Муносабат-и бозоргон-и ва фарҳанги миён-и Ирон ва Осиё-йи Маркази (XV – XIX) // International seminar on «The Iranian World and Turan». – Tehran, 2001. – P. 75-78.

⁹ Али Акбар Вилоятӣ. Тарих-и равобат-и хорижи-йи Ирон дар аҳди шоҳ Аббос аввал Сафавӣ. – Техрон, 1995. – 298 б.; ўша муаллиф. Тарих-и равобат-и хорижи-йи Ирон дар аҳди шоҳ Исмоил Сафавӣ. – Техрон, 1996. – 411 б.; Аббосқули Ғаффорӣ Фард. Равобат-и Сафавӣ ва Узбагон. – Техрон, 1997. – 373 б.

¹⁰ Петрушевский И.П. Очерки по истории феодальных отношений в Азербайджане и Армении в XVI – начале XIX в. – Л., 1949. – 384 с.; ўша муаллиф. История Ирана с древнейших времен до конца XVIII века (VI, VII, VIII, IX главы кн.) / Под ред. В.В. Струве. – Л., 1958. – С. 211-335; Арунова М.Р., Ашрафян К.З. Государство Надиршаха Афшара (очерки общественных отношений в Иране 30-40-х годов XVIII века). – М., 1958. – 283 с.; Бушев П.П. История посольств и дипломатических отношений русского и иранского государств в 1586 – 1612 гг. – М., 1976. – 478 с.; ўша муаллиф. История посольств и дипломатических отношений Русского и Иранского государств в 1613 – 1621 гг. – М., 1987. – 297 с.; Амантыев О. Туркменистан и туркмены в первой половине XVIII века (по данным соч. Мухаммада Казима «Нама-йи аламара-йи Надири»). – Ашхабад, 1980. – 115 с.; Экаев О. Туркменистан и туркмены в конце XV – первой половине XVI в. (По данным «Алам Ара-и Сефеви»). – Ашхабад, 1981. – 142 с.; Аннанепесов М. Укрепление русско-туркменских взаимоотношений в XVIII – XIX вв. – Ашхабад, 1981. – 266 с.; Annanepesov M. The khanate of Khiva (Khwarazm) // History of civilizations of Central Asia. UNESCO Publishing. – Paris, 2003. – P. 63-70; Павлова И.К. Хроника времен Сефевидов (Сочинение Мухаммад-Масума Исфাহани «Хуласат ас-сияр»). – М., 1993. – 120 с.; Сорли Ўроз Муҳаммад. Тарих-и Туркменистон. – Техрон, 1995. – 376 б.; Giorgio Rota. The mask of shah Abbas I // Studia Iranica. Cahier 45. Mediaeval and modern Iranian studies. Proceedings of the 6th European conference of Iranian Studies (Vienna, 2007). Edited by Maria Szuppe, Anna Krasnowolska, Claus V. Pedersen. – Paris, 2011. – P. 167-178; Smolarz E. Speaking about Freedom and Dependency. Representations and Experiences of Russian Enslaved Captives in Central Asia in the First Half of the 19th Century // Journal of Global Slavery. – 2017, (2). – P. 44-71; Mu'izzi, Husam. Tarikh-i rawabit-i siyasi-i Iran ba dunya. – Tehran, 1365. – 845 s.

¹¹ Dickson M.B. Shah Tahmasb and the Uzbeks: The duel for Khurasan with Ubaid Khan: 930-946/1524-1540, unpublished Ph.D. dissertation. – Princeton, 1958. – 391 p.

даврдаги ҳолатини батафсил таҳлил қилиб берган. Ишда Хуросон учун олиб борилган кураш масаласини ёритиш жараёнида Хива хонлигининг минтақадаги воқеаларда иштироки, унинг Бухоро хонлиги ва Сафавийлар Эрони билан дипломатик ҳамда ҳарбий-иттифоқчилик алоқаларига доир муҳим маълумотлар ҳам берилган.

Мазкур диссертация муаллифи томонидан 2007 йилда ҳимоя қилинган номзодлик диссертацияси, бевосита, Хива Арабшоҳийлари ва Эрон Сафавийлари ўртасидаги савдо-дипломатик алоқалар тарихига бағишланган дастлабки махсус тадқиқот ҳисобланади¹².

Энг сўнгги ишлар сифатида эса, Никзад Келорази ва Д.А. Ализодаларнинг XVII-XVIII асрнинг биринчи ярмида Эроннинг Бухоро ва Хива хонликлари билан ҳарбий-сиёсий ва дипломатик муносабатларини ўрганишга бағишланган тадқиқотларини кўрсатиб ўтиш лозим. Уларда асосий эътибор Хоразм ва Эрон ўртасидаги зиддиятли муносабаталар, жумладан Нодиршоҳнинг Ўрта Осиёга юриши ва бунинг сабабларини таҳлил қилишга қаратилган¹³. Уларда бир ёқлама ёндашувга йўл қўйиш ҳолатлари, бир-бирига қарама-қарши айрим фикрлар ҳам учрайди. Нодиршоҳнинг Бухоро ва Хоразмга ҳарбий юриши даврида Ўрта Осиё хонликларининг ўзаро муносабатлари масаласига батафсилроқ баҳо лозимлиги кўзга ташланади.

Хива хонлиги ва Қозоқ жузлари алоқалари тарихининг турли жихатлари Қозоғистоннинг умумий тарихига бағишланган тадқиқотларда кўпроқ ўз ифодасини топган. М.П. Вяткин, Н.Г. Аполлова, В.Я. Басин, Т.И. Султанов, И.В. Ерофеева, Ж.М. Тулибаева, М. Ходарковский, Р. Села, В. Холцварт, М.Х. Абусейтова, П. Сартори ва П. Шаблей, Р.Ю. Почекаев сингари олимларнинг ишларини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим¹⁴.

¹² Ушбу диссертация бу борадаги дастлабки уриниш бўлганлиги, айниқса, кўплаб хорижий адабиётлар ва бирламчи манбаларни тадқиқотга жалб этиш имкони бўлмаганлиги туфайли уни манбавий жихатдан тўлдириш, шунингдек, мангиқий яхлитликни ҳосил қилиш учун хронологик жихатдан XIX асрнинг 60-70-йилларигача бўлган даврни ҳам тадқиқотга тортиш лозим деб топилди. Қаранг: Аллаева Н. XVI – XVIII асрларда Хива хонлиги ва Эрон ўртасидаги ўзаро алоқалар: Тарих фан. номзоди ... дисс. – Тошкент, 2007. – 183 л.

¹³ Никзад Келорази Мир Нураддин. Военно-политические и дипломатические отношения Ирана с Бухарским и Хивинским ханствами в XVII – первой половине XVIII в.: Дис. ... канд. ист. наук. – Душанбе, 2015; Ализода Д.А. О военном противоборстве Хорезма и Ирана в первой половине XVIII века (по данным письменных источников) // Вестник Таджикского государственного университета права, бизнеса и политики. Серия гуманитарных наук. – 2018. – № 1 (74). – С. 40-47.

¹⁴ Вяткин М.П. Очерки по истории Казахской ССР (с древнейших времен по 1870 г.). – Л., 1941; ўша муаллиф. Батыр Срым. – М. – Л.: Изд. АН СССР, 1947; Аполлова Н.Г. Присоединение Казахстана к России. – Алма-Ата, 1948; Басин В.Я. Казахстан в системе внешней политики России в первой половине XVIII века // Казахстан в XV-XVIII вв. (Вопросы социально-политической истории). Отв. ред. Б.С. Сулейменов. – Алма-Ата, 1969. – С. 50-145; Султанов Т.И. Кочевые племена Приаралья в XV – XVII вв. – М.: Наука, 1982; ўша муаллиф. Поднятые на белой кошме. Ханы казахских степей. – Астана, 2006; Ерофеева И.В. Казахские ханы и ханские династии в XVIII – середине XIX в. // Культура и История Центральной Азии и Казахстана: проблемы и перспективы исследования. – Алматы, 1997. – С. 46-144; Тулибаева Ж.М. Казахстан и Бухарское ханство в XVIII – первой половине XIX в. – Алматы, 2001; Khodarkovsky M. Russia's Steppe Frontier: The Making of a Colonial Empire, 1500-1800. – Bloomington: Indiana University Press, 2002; Ron Sela. Ritual and authority in Central Asia: The Khans Inauguration Ceremony. – Bloomington, Indiana, 2003; Holzwarth W. Relations between Uzbek Central Asia, the Great Steppe and Iran, 1700–1750 // Shifts and Drifts in Nomad-Sedentary Relations edited by Stefan Leder & Bernhard Streck. – Wiesbaden, 2005. – P. 179-216; История

Ушбу муаллифларнинг ишлари Қозоқ жузларининг Россия ва бошқа ҳудудлар билан ўзаро алоқаларига доир масалалар қаторида Хива хонлиги тарихининг турли жиҳатларини ҳам ақс эттиради. Шу билан бирга, мазкур ишларнинг ақсарияти асосан Қозоғистон ёки Россия тарихини ўрганишга бағишланганлиги боис, Хива хонлигига доир тарихий воқеаларни талқин қилишда баъзи хронологик номуносабликлар ва чалкашликлар мавжуд. Шунингдек, турли тарихий маълумотларни таҳлил қилиш жараёнида Хива хонлигининг манфаатлари эътибордан четда қолганки, бу ақсарият ҳолларда масалага бир ёқлама ёндашувни келтириб чиқарган ҳамда кўплаб саволларнинг очиқ қолишига сабаб бўлган.

С.К. Бакшилов, У.Х. Шалекенов, С.М. Мадуанов сингари олимларнинг бевоқифа Хива-Қозоқ алоқалари тарихига доир тадқиқотларини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим¹⁵. Ушбу тадқиқотларда асосий эътибор кўчманчи ва ўтроқ аҳоли ўртасидаги иқтисодий-хўжалик муносабатлар, Сирдарё бўйларидаги қозоқ уруғларининг Қўнғиротлар сулоласи даврида Хива хонлиги ва унинг солиқ сиёсатига муносабати масаласига қаратилган. Хронологик жиҳатдан, ушбу тадқиқотларда кўпроқ XIX аср тарихига диққат қаратилган. Хива ва Қозоқ хонликлари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг XVI-XVII асрдаги ҳолати эса, махсус тадқиқот объекти сифатида олинмаган.

Мазкур ишларнинг ақсарияти совет даврида ўрнатилган мафкуравий қолипларда ёзилган бўлиб, кўрилатган масала «эзувчи ва эзилувчи синфлар» нуқтаи назаридан ишланган. Муаллифлар тарихий воқеаларни баён этар экан, асосан Россия ва Қозоғистон архив ҳужжатларига таянганлар. Ваҳоланки, уларни маҳаллий Хоразм солномалари, Эрон манбалари, «Сафарнома»лар ва турли архив ҳужжатлари билан қиёслаб ўрганилса, анча объектив манзарани ҳосил қилиш мумкин бўлади. Бу борада М.Х. Абусейтова мутлақо ҳақ бўлиб, ҳар қандай тарихий воқеани тарихий контекстда, яъни ўзининг даврий ва ҳудудий чегараларида таҳлил қилиш лозимлигини уқтиради¹⁶.

Хива, Бухоро ва Қўқон хонликларининг ўзаро дипломатик алоқалари Қ. Муниров, О. Муталов, Б.М. Бобожонов, Д.А. Аҳмедова, Ф.Н. Отахонов ва Н.Т. Полвоновларнинг ишларида маълум бир даражада кўриб чиқилган.

Казахстана и Центральной Азии. Учебное пособие / Отв. ред. М.Х. Абусейтова и др. – Алматы: Дайк-Пресс, 2011; Сартори П., Шаблей П. Судьба имперских кодификационных проектов: адат и шариат в казахской степи // *Ab Imperio*, 2/2015. – С. 66-105; Почкаев Р.Ю. Губернаторы и ханы. Личностный фактор правовой политики Российской империи в Центральной Азии: XVIII – начало XX в. – М.: Изд. дом Высшей школы экономики, 2017.

¹⁵ Бакшилов С.К. Взаимоотношения Казахстана с ханствами Средней Азии в первой половине XIX в.: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – М., 1951; Шалекенов У.Х. К вопросу о взаимоотношениях казахских племен с оседлым и полuosедлым населением Хорезма в XVIII – XIX вв. – М., 1964; Мадуанов С.М. История узбекско-казахских отношений (XIX – нач. XX в.): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Алма-Ата, 1980; Мадуанов С. История казахско-узбекских отношений (XIX - нач. XX в.). – Туркестан, 1992; ўша муаллиф. Взаимоотношения казахов с другими соседними народами Центральной Азии в XVIII – начале XX вв. Автореф. ... док. ист. наук. – Алматы, 1997.

¹⁶ История Казахстана и Центральной Азии. Учебное пособие / Отв. ред. М.Х. Абусейтова и др. – Алматы: Дайк-Пресс, 2011.

Қ. Муниров Хоразм тарихий солномаларини тадқиқ қилар экан, Мунир, Огаҳий ва Баёнийларнинг асарларини манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлил этиш жараёнида Хиванинг Бухоро ва Қўқон хонликлари билан ташқи алоқаларига доир қимматли маълумотларни ҳам аниқлаган¹⁷.

Хива хонлигининг Оллоқулихон даври (1825-1842) тарихини тадқиқ этган О. Муталов ушбу ҳукмдорнинг Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги билан олиб борган ташқи муносабатларини ёритишга ҳам алоҳида эътибор берган. Шу билан бирга, ишда айрим маълумотлар қатъий тизимга солинмаганлиги туфайли баъзи воқеаларнинг содир бўлган вақтини ёки моҳиятини англашда қийинчилик туғилади¹⁸.

Б.М. Бобожонов Қўқон хонлигида ҳокимият легитимацияси масаласини таҳлил қилар экан, *дипломатик легитимация* масаласи орқали Ўрта Осиё хонликларининг ўзаро муносабатларига умумий тавсиф бериб ўтган¹⁹.

Д.А. Аҳмедова Хива хонлигининг Бухоро амирлиги билан ўзаро сиёсий муносабатларига эътибор қаратар экан, масалага асосан манбашунослик нуқтаи назаридан ёндашган. Унинг мақоласида «Фирдавс ул-икбол» асарининг олинган мавзуни ўрганишда муҳим манба сифатидаги аҳамиятини кўрсатиб беришга эътибор қаратилган²⁰.

Ф.Н. Отахонов ва Н.Т. Полвоновларнинг мақолалари Хива – Қўқон ўзаро элчилик алоқалари тарихини, хусусан Умархон (1810-1822)нинг ҳукмронлик давридан бошлаб, Хива хонлиги билан йўлга қўйилган элчилик алоқаларининг айрим жиҳатларини ёритишда аҳамиятга эга²¹. Айниқса, Ф.Н. Отахонов томонидан бугунги кунга қадар жуда кам фойдаланилган «Шоҳномаи нусратпаём» асарини ўрганиш орқали Хива ва Қўқон хонлари ўртасидаги дипломатик ҳамда ҳарбий-иттифоқчилик алоқаларига доир қимматли маълумотларнинг келтирилиши аҳамиятга лойиқ.

Дипломатия тарихи ва назариясига бағишланган ишлар олинган мавзу борасида, хусусан, Хива хонлигида дипломатик институтларнинг умумий ва ўзига хос жиҳатлари, шунингдек, уларнинг муҳим босқичлари ва шакллари юзасидан тегишли хулосалар чиқаришга имкон берди. Хусусан, В.В. Бартольд, В.А. Зорин, С. Шарапов, В. Рузен, И.В. Зайцев ва О.Г. Агеевнинг ишлари дипломатия тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти,

¹⁷ Муниров Қ. Хоразмда тарихнавислик (XVII – XIX ва XX аср бошлари). – Тошкент, 2002. – 191 б.

¹⁸ Муталов О. Хива хонлиги Оллоқулихон даврида/Масъул муҳаррир Б. Маннонов. – Тошкент, 2005. – 141 б.

¹⁹ Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия / Рецензенты: Хисао Коматцу, С. У. Каримова, Н.И. Тошев. – Токио – Ташкент, 2010. – 743 с.

²⁰ Аҳмедова Д. «Фирдавс ул-икбол»да Хива хонлиги ташқи алоқаларининг акс этиши // Шарқшунослик. – 2002. - №. 11. – Б. 50-58.

²¹ Отахонов Ф. Қўқон ва Хива хонликлари ўртасида 1821 йилда тузилган ҳарбий иттифоқ ва унинг оқибатлари («Шоҳномаи нусратпаём» маълумотлари таҳлили) // O'zbekiston tarixi. – № 2. 2012. – Б. 24-34; Полвонов Н. Қўқон ва Хива хонликларининг ўзаро элчилик алоқалари тарихига доир (XIX аср) // Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан: талқин ва таҳлил. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент, 2017. – Б. 176-188.

дипломатик протоколнинг таркибий қисмларидан бирини ташкил этган дипломатик этикет масалаларини ҳар томонлама ёритишга хизмат қилди²².

Бир гуруҳ муаллифлар жамоаси томонидан нашр этилган «Ўзбек дипломатияси тарихидан» номли монография ҳамда «Ўзбекистонда элчилик хизмати» тарихига доир илмий тўпламни маҳаллий олимлар томонидан амалга оширилган жиддий иш сифатида кўрсатиб ўтиш лозим²³.

Тадқиқотда Хива хонлиги ташқи алоқаларининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда асосий омилларини аниқлашда *мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётига* доир ишлардан ҳам фойдаланилди. Булардан Н.И. Веселовский, С.В. Жуковский В.В. Бартольд, А.А. Семенов, Я.Ф. Фуломов, П.П. Иванов, М.Й. Йўлдошев, Р.Г. Мукминова, Қ. Муниров, Г.А. Агзамова, А. Абдурасулов, К.Ю. Юсупов, К. Худойберганов, У.А. Абдурасуловларнинг тадқиқотларини²⁴, шунингдек, Ўзбекистоннинг сўнгги ўрта асрлар тарихи бўйича мустақиллик йилларида эълон қилинган фундаментал нашрларни²⁵ алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим.

²² Бартольд В.В. Церемониал при дворе узбекских ханов в XVII веке / Сочинения. – М., 1964. Т. II (Ч. 2) – С. 388-399; Зорин В.А. Основы дипломатической службы. – М., 1977; Шарапов С. История дипломатии // Открытый проект. http://www.diphis.ru/organi_vneshney_politiki_i_diplomatii; Roosen W. Diplomatic Ceremonial: A Systems Approach // Journal of Modern History. – University of Chicago Press, 1980. Vol. 52, No. 3. – P. 452-476; Zajcev I.V. Notes on the Golden Horde Diplomatic Ceremonial: The Origin of the Word Koreš in Russian Slang // Acta Orientalia Academiae Scientiarum Hung. – Vol. 58 (3), 2005. – P. 295-298; Агеева О.Г. Дипломатический церемониал императорской России в XVIII веке. – М., 2012. – 936 с.

²³ Ўзбек дипломатияси тарихидан (тарихий очерклар ва лавҳалар) / М.М. Хайруллаев таҳрири остида. – Тошкент, 2003. – 236 б.; Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан: талкин ва таҳлил / Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент, 2017. – 286 б.

²⁴ Веселовский Н.И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве от древнейших времен до настоящего. – СПб., 1877. – 364 с.; ўша муаллиф. Памятники дипломатических и торговых сношений Московской Руси с Персией. – СПб., 1890. Т. I. – 462 с.; Бартольд В.В. Очерк истории туркменского народа / Сочинения. – Л., 1929. Том. I. – С. 56-67; ўша муаллиф. История Иранского государства и культуры (к 2500-летию Иранского государства) – М., 1971; Семенов А.А. Шейбани-хан и завоевание империи Тимуридов // Материалы по истории таджиков и узбеков Средней Азии. Труды. – Сталинабад, 1954. Т. XII. – С. 39-83; Юсупов К. Абулгази и Хивинское ханство в первой половине XVII века: Автореф дис. ... канд. истор. наук. – М., 1950. – 14 с.; Гулямов Я. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. – Ташкент, 1957. – 313 с.; Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии (XVI – середина XIX в.) – М., 1958. – 246 с.; Муниров Қ. Мунис, Огахий ва Баёнийларнинг тарихий асарлари. – Тошкент, 1960. – 169 б.; ўша муаллиф. Хоразмда тарихнавислик (XVII – XIX ва XX аср бошлари). – Тошкент, 2002. – 190 б.; Мукминова Р.Г. Стольный град Хива // Общественные науки в Узбекистане. – 1997. – № 7-8. – С. 28-36; Агзамова Г.А. Сўнгги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарларида ҳунармандчилик ва савдо. – Тошкент, 2000. – 52 б.; ўша муаллиф. XVI – XIX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистон шаҳарлари ва шаҳарлар ҳаёти: Тарих фан. доктори ... дис. – Тошкент, 2000. – 348 варақ; ўша муаллиф. Ўзбекистон шаҳарлари XVI – XIX асрнинг ўрталарида / Масъул муҳаррир Д.Х. Зияева. Тошкент, 2017. – 225 б.; Абдурасулов А. Хива (тарихий этнографик очерклар). – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 143 б.; Худойберганов К. Хива хонлари шаҳараси. – Урганч: Хоразм, 1996. – 102 б.; ўша муаллиф. Роль мемориала Пахлавана Махмуда в изучении истории Хивинских ханов: Автореф. ... дис. канд. истор. наук. – Нукус, 2004. – 28 с.; ўша муаллиф. Хива хонлари тарихидан. – Урганч, 2008. – 194 б.; Абдурасулов У. Борьба со внешней экспансией в Хивинском ханстве в первой половине XVIII века // O'zbekiston tarixi. – 2002. – № 2. – С. 12-19; Абдурасулов У. От Арабшахидов к Кунградам: динамика и политический ландшафт Хорезма в период правлений двух династий // O'zbekiston tarixi. – 2013. – № 2. – С. 17-32.

²⁵ История Узбекистана (XVI – первая половина XIX в.) / Глав. ред. А.А. Аскарров. Т. III. Ташкент: Фан, 1993. – 476 с.; История Узбекистана (XVI – первая половина XIX в.) / Отв. ред. Д.А. Алимова. – Ташкент: Фан, 2012. – 776 с.; Хорезм в истории государственности Узбекистана / Отв. ред. Э.В. Ртвеладзе, Д.А. Алимова. – Ташкент: , 2013. – 336 с.

Р. Макчезни томонидан Хива хонлигида бошқарувнинг улус – аппанаж тизими борасида билдирган хулоса ва мулоҳазалари хонлик ташқи алоқаларининг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилишда фойдаланилди²⁶.

Амалга оширилган тарихшунослик таҳлили XVI-XIX аср 70-йилларида Хива хонлиги ташқи алоқалари тарихини комплекс тарзда тадқиқ қилиш ҳам илмий-назарий, ҳам илмий-амалий жиҳатдан зарур эканлигини кўрсатади. Шу билан бирга, кўриб чиқилган илмий адабиётларда Хива хонлиги тарихи юзасидан чиқарилган бирёқлама ва субъектив хулосаларни ҳисобга олган ҳолда, диссертацияда замонавий назарий-услубий ёндашувларни кенгрок жалб этишга ҳаракат қилинди. Тадқиқот бирламчи манбаларни қиёсий ўрганиш орқали холислик, тарихийлик, илмийлик ва замонавийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда амалга оширилди. Хива хонлиги ташқи алоқалари тарихини «глобал тарих», жумладан, минтақа ва минтақалараро содир бўлган воқеалар контекстида ёритишга, «микро ва макро тарих» нуқтаи назаридан ёндашишга алоҳида эътибор қаратилди²⁷. Манбалардан фойдаланишда қиёсий-танқидий таҳлил асосида ёндашилиб, улардаги маълумотлар горизонтал ва вертикал тарзда кесишган (crossreference) ҳолда таҳлил қилинди.

Ушбу бобнинг иккинчи қисмида турли давлатлар ва жамиятлар ўртасидаги ўзаро келишувни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган мулоқотнинг махсус қоидалари, жумладан, дипломатик маросим (церемониал), протокол ва этикет тушунчаларига изоҳ берилиб, Хива хонлигида амал қилган «қабул маросими»нинг умумий ва хусусий жиҳатлари таҳлил этилган. Мавжуд маълумотлар кўрсатадики, Ўрта Осиёда «элчилик хизмати»нинг шаклланиш босқичлари дунё тажрибаси билан ўзаро боғлиқликда кечган. Европанинг йирик давлатларида XVI аср мамлакат

²⁶ McChesney R.D. The Chinggisid Restoration in Central Asia: 1500-1785 / Cambridge History of Inner Asia. The Chinggisid age. Ed. by Nicolla Di Cosmo, Alen J. Frank and Peter B. Golden. – Cambridge: Cambridge University Press, 2009. – P. 277-302.

²⁷ Назарий-методолик жиҳатдан В. Либерманнинг «Номаълум параллеллар (Strange parallels)» концепцияси ҳамда Д. Нортроп муҳаррирлиги остида эълон қилинган нашрда бир гуруҳ олимлар томонидан «Глобал ва узвий тарих (Global and Connective History)» тушунчаси ва унинг тарихий тадқиқотларда қўлланиши борасидаги хулосалари, Д.А. Алимова томонидан Ватан тарихини ўрганиш ва ёритишда фанлараро ҳамда трансдисциплинар усулларни қўллаш имкониятлари борасидаги тавсиялари, шунингдек, Девин ДеВис, К. Нолле-Карими, П. Сартори, Дж. Иден, У. Абдурасулов, Дж. Пикетларнинг тезислари «Глобаллашув» концепциясининг «Ўзаро боғлиқлик (Connectivity)», «Минтақавий савдо ва ижтимоий тармоқлар (Regional Social and Trade Networks)» ва «Глобал алоқалар (Global Ties)» сингари муҳим тушунчаларини Хоразм тарихи билан боғлиқ жиҳатларини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлди. Қаранг: Lieberman V. Strange Parallels: Southeast Asia in Global Context, c. 800-1830. Vol. 1-2. – Cambridge: Cambridge University Press, 2009; A Companion to World History / First Edition. Edited by Douglas Northrop. – Blackwell Publishing Ltd., UK, 2012; Алимова Д.А. Историческая наука в контексте междисциплинарного синтеза и трансдисциплинарности: путь к полноценному исследованию // O'zbekiston tarixi. – 2016. – № 3-4. – С. 74-86; On Khorezmian Connectivity: Space, Mobility, Imagination // Synopses of the International Workshop. – Vienna (Австрия), 2014. Шу билан бирга, Анке фон Кюгельген ва Б.М. Бобожоновларнинг ишлари ташқи алоқаларнинг давлат бошқаруви ва легитимация билан боғлиқ масалаларини назарий жиҳатдан таҳлил қилишда ўзига хос асос вазифасини ўтади. Қаранг: Анке фон Кюгельген. Легитимация среднеазиатской династии мангытов в произведениях их историков. (XVIII – XIX вв.) – Алматы, 2004; Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия / Рецензенты: Хисао Коматцу, С. У. Каримова, Н.И. Тошев. – Токио – Ташкент, 2010.

ташқи сиёсатини юритувчи «элчилик хизмати» ва унинг марказий ҳамда маҳаллий идоралари шаклланган давр ҳисобланади. Ўз навбатида, ўша даврдаги умумқабул қилинган кўпгина анаъаналар ва тартиб-қоидалар, бевосита, Москва Руси билан бевосита савдо-дипломатик алоқаларни йўлга қўйган Ўрта Осиё давлатларига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Ваҳоланки, «рус князлари узоқ вақт фақат Олтин Ўрда ва Мўғулистоннинг буюк хонлари билан алоқа олиб борганликлари боис, бу ерда мўғул-татар, аниқроғи *осиёча* элчилик маросими шаклланган ва улар бу қоидаларни шу даражада ўзлаштирган эдиларки, уларни ўз маросимлари деб ҳисоблаганлар»²⁸.

Рус луғатида, жумладан, расмий мулоқотда ва ҳужжатларда қўлланилган «кўриш» (*koreš*), «кўриниш» (*korniš*) ибораларининг этимологик жиҳатларини таҳлил қилган И. Зайцев, русча *корешеваться* «бир-бирини дўстона қутлаш, яқин ва дўстона алоқа ўрнатиш» феълидан олинган бу сўзнинг асл туркча *кўруш* (*koruš*) феъли, яъни «бир-бирини кўриш, қабулда – аудиенцияда бўлиш»ни англатганлигини қайд этиб ўтган. Унинг маълумот беришича, дипломатик маросим ҳисобланган *Корешеванье* (*koreševan'e*), яъни ўзига хос жуда яқин кучоқлашиб кўришиш одати Олтин Ўрда ва унинг ворис давлатлари – Қрим, Қозон ва Астрахан хонликлари ҳамда Нўғай ўрдасида XVI аср охирларигача оммалашган эди²⁹.

Ушбу бобда дипломатик алоқаларнинг асосий механизми ҳисобланган «элчилик хизмати», унинг ривожланиш босқичлари ва муҳим деталлари ҳақида атрофлича маълумот берилган. Хива ҳукмдорларининг Бухоро, Қўқон ва Қозоқ хонлари ҳамда Эрон шоҳлари билан ўзаро алмашилган дипломатик ёзишмаларни тури ва характериға кўра таснифлашға ҳам эътибор қаратилган. Ишда, маҳаллий «Солномалар»да умумий ном билан «мактуб, нома, мактубот» ёки «котибат» деб юритилган хатларнинг вазиятға қараб «иноятнома», «истимолатнома», «маъзиратнома», «муволифатнома», «муросила», «муҳаббатнома», «сулҳнома», «таҳниятнома», «фатҳнома» сингари турлари бўлганлиги кўрсатиб берилган. Диссертацияда уларнинг топширилишиға доир ҳолатлар юзасидан аниқ мисоллар келтирилиб, дипломатик алоқаларнинг умумқабул қилинган ва расман ёзиб қўйилмаган бўлсада, қатъий амал қилиниши лозим бўлган шартлари тавсифлаб берилган. «Ҳокимият алмашинуви» масаласининг зудлик билан атрофдаги вилоят ҳокимлари ва кўшни давлат ҳукмдорларига хабар қилиниши ана шундай муҳим шартлардан бири эди. Қоидаға кўра, бундай элчилик зиммасиға бир вақтда икки ҳодиса, яъни марҳум хоннинг вафоти ёки турли сабабларға кўра

²⁸ Жуковский С.В. Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие ... – С. 5-6; Агеева О.Г. Дипломатический церемониал императорской России в XVIII веке ... – С. 10.

²⁹ Муаллиф ўз фикриға мисол сифатида куйидаги маълумотни келтиради: 1571 йил ноябрида Москваға ташриф буюрган Қрим хони Менгли Гирой ва Авел шахзодалар подшо Иван IV томонидан зиёфатға ҳам, «корешеванье»ға таклиф этмаган эди. Чунки, бу вақтда Қримда (Кефе шахрида) вабо эпидемияси тарқалган бўлиб, уларға Рус давлатининг катта шахзодаси билан кўл бериб кўришишға ҳам рухсат берилмаган. Қараңг: Zajcev I.V. Notes on the Golden Horde Diplomatic Ceremonial ... – P. 296.

ҳоқимиятдан кетиши ҳамда янги ҳукмдорнинг тахтга ўтирганлиги тўғрисидаги хабарни етказиш вазифаси юклатилган.

Келган томоннинг элчисига қабул қилган томон ўз вакилини кўшиб юбориш анъанаси сўнгги ўрта асрлар дипломатиясида, айниқса, Ўрта Осиё хонликларининг ўзаро алоқларида кенг қўлланилган расм-русумлардан эди. Юборган томон элчисига элчи кўшмай қайтариш ҳолатлари эса, давлатлар ўртасида юзага келган зиддиятли вазиятлардан далолат беради.

XIX асрга келиб, халқаро муносабатлар янги босқичга ўтган эдики, бу ҳолат дипломатик тартиб-қоидалардан тортиб, музокара мавзусигача бўлган жараёнларда ўз аксини топган. Элчиларни чегара ҳудудда кутиб олишдан тортиб, уларни қайта кузатиб қўйгунгача бўлган жараёни ўз ичига олган «Қабул маросими»ни шартли равишда учта асосий босқичга «Ташкилий жараён», «Хоннинг ҳузуридаги асосий қабул маросими» ҳамда «Маданий-хордиқ тадбирлари» га бўлиш мумкин.

«Қабул маросими»нинг ташкилий жиҳатлари элчиларни кутиб олиш ва жойлаштириш, кундалик харажатларига маблағ ажратиш ҳамда хизмат кўрсатадиган ходимларни тайинлашдан иборат бўлган.

«Қабул маросими»нинг асосий қисми эса, олий ҳукмдорнинг бевосита элчи билан юзма-юз кўришиш жараёни бўлиб, саломлашиш (*мусофаҳа, муонақа, тамҳид, нўрсиш ва тафаққуд*) ва расмий мактубларни топшириш, совға-саломлар алмашилиш, музокаралар ҳамда яқуний аудиенция босқичларини ўз ичига олган.

Маросим жараёнида ҳеч бир нарса элчилар эътиборидан четда қолмаган. Улар ҳукмдор саройи ва хон шахсига алоҳида диққат қаратганлар. Элчиларнинг таъриф ва таснифлари орқали нафақат Хива тахтида ўтирган ҳукмдорнинг шахсияти, унинг бошқарув сиёсати, балки минтақадаги вазият ҳақида маълум даражада маълумотга эга бўлиш мумкин. Муҳаммад Раҳимхон I нинг ташқи кўринишини тасвирлар экан, рус элчиси Н. Муравьев (1819 й.), унинг бўйи I сажень (2,13 см) бўлиб, чавондоз оти уни икки соатдан ортиқ кўтариб юра олмаслигини қайд этган³⁰. Хон шахсига тавсиф берар экан, Н. Муравьев уни «маҳорат билан виқорли ва тиниқ гапиради ... ўз она тилидан ташқари, араб ва форс тилларида гапиради, ҳатто бу тилларда ўқийди ва ёзади, астрология ва табобатдан ҳам маълум даражада хабари бор, шахмат ўйинини ёқтиради ва мукамал билади» деб, қайд этган. Элчи Муҳаммад Раҳимхон I нинг шахсиятига умумий баҳо бериб, Хива ҳукмдори «ўз подшоҳлигини ҳар томонлама кучайтириш, жумладан аҳолисини кўпайтириш учун ҳам, бошқа давлатлар орасида сиёсий мавқеини ошириш учун ҳам қулай вазиятни қўлдан бой бермайди, шу жиҳатдан, вақт ўтиши билан Хива қудрати жиҳатдан Шарқнинг бошқа биринчи даражали давлатларига тенглашади» деб хулоса берган³¹.

³⁰ Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг., гвардейского Генерального Штаба капитана Николая Муравьева, посланного в сии страны для переговоров. – М., 1822. Часть I. – С. 132.

³¹ Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. ... часть II. – С. 52-53.

Оллоқулихон қабулида бўлган рус элчиси Г.И. Данилевский (1842 й.) ҳам хоннинг қоматини тутиши, гапириш оҳанги ва музокараларни совуққонлик билан олиб боришини алоҳида қайд этиб ўтган³².

Рус қўмондони В. Перовскийнинг Хива хони Оллоқулихон билан дипломатик алоқаларини таҳлил қилган Р. Почекаев ҳақли равишда: «фаол, кучли, жанговор Оренбург губернаторига бу борада ундан қолишмайдиган Хива ҳукмдори, яъни фаол ва қатъиятли Оллоқулихон қарши турар эди» деб қайд этган. У, Оллоқулихонни рус қўшинлари яқинлашаётганда ҳам (1839 й.), дастлабки мағлубият жараёнида ҳам ўзини йўқотиб қўймасдан тезкор ва қатъий қарорлар қабул қила олган шижоатли ҳукмдор сифатида таърифлайди³³.

Хон олдида сайёҳ дарвеш киёфасида намоён бўлган А. Вамбери қабул жараёнини тасвирлар экан, Саййид Муҳаммадхоннинг зинали супада, ипак ва бахмал мато билан қопланган юмалоқ ястикқа чап қўли билан суянган ҳолда, ўнг қўлида калта олтин *скипетр*, яъни ҳокимият рамзи ҳисобланган таёқчани тутганича ўтирганлигига эътибор берган. Скипетрнинг ўрганилган бошқа манбаларда учрамаганлигини ҳисобга олсак, бу даврга, яъни XIX асрнинг иккинчи ярмига келганда, Хива хони саройидаги қабул маросимларда янги атрибутларнинг пайдо бўлганлиги ва маълум бир ўзгаришлар юз берганлигини қайд этиш мумкин.

Келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, Хива хонлиги ташкил топган даврдан бошлаб, Марказий Осиё минтақасидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг фаол иштирокчиси сифатида кенг миқёсли ташқи алоқалар олиб борган. Бу жараёнда хонликнинг ташқи алоқалар механизми, жумладан, «элчилик хизмати» қатъий шаклларга ва мазмун-моҳиятга эга бўлиб борган.

Диссертациянинг «**Хива хонлигининг ташкил топиш жараёнида Хоразмнинг Дашти Қипчоқ, Мовароуннаҳр ва Эрон билан анъанавий алоқалари**» деб номланган иккинчи бобида XVI бошларида минтақада юзага келган сиёсий вазият ва халқаро майдондаги кучлар нисбати сингари ташқи омилларнинг Хоразмдаги ички ижтимоий-сиёсий ҳолатга таъсири таҳлил этилган. Хусусан, Хива хонлигининг ташкил топиш жараёнида Хоразмнинг Мовароуннаҳр, Дашти Қипчоқ ва Эрон билан анъанавий алоқалари кўриб чиқилган. Зеро, XVI аср бошида сиёсат майдонида пайдо бўлиб, ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун жиддий ҳаракат олиб борган Мовароуннаҳрдаги Шайбонийлар (1500-1601), Хива Арабшоҳийлари (1511-1700) ва Эрон Сафавийлари (1501-1736) ўртасидаги муносабатлар Марказий Осиё минтақасидаги умумий ҳолатга катта таъсир кўрсатган. Ўз навбатида, минтақадаги сиёсий вазият бу давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилашда муҳим рол ўйнаган.

³² Залесов Н.Г. Посольство в Хиву подполковника Данилевского в 1842 г. ... – С. 48-49.

³³ Почекаев Р.Ю. Губернаторы и ханы ... – С. 207.

Муҳим геостратегик мавқега эга ҳудуд сифатида сўнгги ўрта асрларда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолган Хоразм воҳаси кучли давлатларнинг диққат марказида эди. Дашти Қипчоқда ўзбек уруғларини бирлаштириб, Мовароуннаҳрда ўз давлатини тузишга интиланган Муҳаммад Шайбонийхон томонидан 1505 йилда Урганч шаҳрининг эгалланишини ана шундай муҳим таянчга эга бўлиш мақсадида амалга оширилган тadbир сифатида ҳам изоҳлаш мумкин. Лекин, манфаатлар тўқнашуви Шайбонийхонни ўз ҳудудларини кенгайтиришга интилаётган Эрон шоҳи Исмоил I билан очик жангда (1510 й. Марв яқинида) юзма-юз бўлишга олиб келган эди. Бу вақтда Хоразмда ташқи ҳужумларга қарши тура оладиган сиёсий куч бўлмаганлиги боис, Шайбонийхоннинг ҳалок бўлиши билан тугаган жангдан сўнг бу ҳудуд шоҳ Исмоил I қўл остига ўтган эди. Лекин, тез орада Эрон қўшинларига қарши Вазир шаҳрида кўтарилган исён мустақилликни қўлга киритиш учун қулай вазиятни юзага келтирган.

Эрон қўшинлари мамлакатдан қувиб чиқарилгач, 1511/1512 йилда Хива хонлигининг мустақил давлат сифатида ташкил топиш жараёнида Хоразмнинг юқори табақа вакиллари ва Дашти Қипчоқдаги кўчманчи ўзбек уруғи бошлиқларининг ўзаро алоқалари муҳим ўрин тутган. Шу жиҳатдан, узок йиллар давомида тарихшуносликда шаклланган фикрга кўра, Хива хонлигига Дашти Қипчоқдан кириб келган Арабшоҳийлар сулоласининг вакиллари Элбарс ва Билбарс (Бийбарс) султонлар томонидан асос солинганлиги таъкидланар эди. Аксарият адабиётларда бу жараёнга қисқагина тўхтаб ўтилган бўлиб, воқеаларнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган маҳаллий аҳолининг ўрни эътибордан четда қолиб келди.

Қайд этиш лозимки, 1993, 2012, 2013 йилларда нашр этилган фундаментал ишларда «Шажарайи турк», «Фирдавс ул-иқбол» асарларидаги маълумотлар асосида хонликнинг ташкил топишида маҳаллий кучларнинг сезиларли роли ва ташаббусини кўрсатиб беришга эътибор қаратилди³⁴. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, мазкур тарихий жараённинг бош ҳаракатлантирувчи кучи – маҳаллий амалдорлар бошчилигидаги ўтроқ аҳоли бўлган. Манбаларда «ақлли ва олим қори киши» сифатида тасвирланган Вазир шаҳрининг қозиси Умарнинг даъвати билан Эрон шоҳининг ноибларига қарши ҳаракат бошланган. Бу ҳаракатда ўз ўрнига эга бўлган яна бир шахс Боқирғондаги машҳур хонадон вакили Саййид Ота наслидан Саййид Ҳисомиддин қаттол бўлиб, унинг тавсиясига кўра, Элбарс билан иниси Билбарс Дашти Қипчоқдан Хоразмга таклиф этилган. «Шажарайи турк»да кўрсатилишича, Элбарс султонни хонликка тавсия қилган хожа бир неча йилда бир марта «ўзбек ичига (*Дашти Қипчоққа*) бориб, халқнинг³⁵ ниёзини олиб қайтар», шу боис унинг аслини яхши билар эди³⁶. Манбада

³⁴ История Узбекистана (XVI – первая половина XIX в.) ... Т. III. – С. 249-316; История Узбекистана (XVI – первая половина XIX в.) ... (2012). – С. 259-371; Хорезм в истории государственности Узбекистана ... – С. 149-232.

³⁵ хожанинг муридлари назарда тутилган.

³⁶ Абулғозий Баҳодирхон. Шажарайи турк. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – Б. 121.

баён қилинган кейинги воқеаларнинг гувоҳлик беришича, Вазир аҳолиси шаҳардаги *қизилбошлар*³⁷ (Эрон) қўшинини баргараф этгандан сўнггина, шаҳар ташқарисида бир неча мулозимлари билан кутиб турган Элбарс султон таклиф этилган ва «улуғ тўй қилиб, уни хон этиб кўтаришган» эди.

Элбарсхон (1511-1516) вақт ўтиши билан Даштда қолган ўз қариндошларини Хоразмга таклиф этиш учун бекларга маслаҳат солганлиги унинг кейинги жараёнларда ҳам маҳаллий амалдорлар билан келишиб иш тутганлигини кўрсатади. «Шажарайи турк»да қайд этилишича, «бир кун Элбарсхон бекларин чақириб айтибдур: бир оз эл бирлан мунда келдук. Элимизнинг кўпи қариндошларимиз қатида қолди. Эмди сизларга ўхшаса (*маъқул келса*), қариндошларимизни чақирсак деймиз», дея маслаҳат солган³⁸.

Мавжуд маълумотлардан англашиладики, Хоразмдаги Эрон қўшинларига қарши жанг қилиб, уларни аввал Вазир, сўнг Урганч ва бошқа шаҳарлардан чиқиб кетишини таъминлашда, бу билан мустақил давлат тузиш учун керакли шароитни яратишда маҳаллий аҳоли ва юқори табақа вакиллари асосий ролни ўйнаган. Элбарсхоннинг Хоразм тахтига таклиф этилишини эса, ҳокимиятнинг легитимлигини (қонунийлигини) таъминлаш мақсадида қабул қилинган муҳим сиёсий қарор сифатида изоҳлаш мумкин. Бу қарор шартли равишда «чингизийлар омили» деб, аташ мумкин бўлган ҳолат билан боғлиқ эди. Хусусан, мўғуллар истилоси давридан буён амал қилиб келаётган қоидага кўра, аксарият Марказий Осиё давлатларида бўлгани сингари, Хива хонлигида ҳам давлатнинг олий ҳукмдори Чингизийлар сулоласига мансуб бўлиши муҳим эди. Шу жиҳатдан, Мовароуннаҳр, Хоразм ва Хуросон ерларини ҳарбий йўл билан қўлга киритган Муҳаммад Шайбонийхондан фарқли ўлароқ, Арабшоҳийлар сулоласи вакилларининг 1511 йилда Дашти Қипчоқдан Хоразмга кириб келишини истилочилик ҳаракати эмас, балки маҳаллий амалдорлар ва аҳолининг ҳамкорлиги билан уюштирилган ижтимоий-сиёсий тадбир эди, деб баҳолаш мумкин³⁹.

Кейинги жараёнларда Хива хонлигининг Бухоро ва Эрон давлатлари билан ўзаро муносабатлари асосий ўринга чиққан. Ушбу бобда XVI аср

³⁷ Келиб чиқиши Жанубий Озарбайжондаги Ардабил вилоятидан бўлган туркий тилли кўчманчи *қизилбошлар* қабиласи Эрон Сафавийларининг бош таянчи ҳисобланган. Шу боис, Эрон давлати тарихда кейинги даврда ҳам *Қизилбошлар* давлати, эронликлар эса, умумий ном билан *қизилбошлар* деб аталган. Бу ном эса, шийа мазҳабидаги 12 имом шарафига саллаларида 12 қатор қизил чизиклар билан боғлиқ эди. Қаранг: Петрушевский П.П. Очерки по истории феодальных отношений ... – С. 68.

³⁸ Абулғозий Баҳодирхон. Шажарайи турк ... – Б. 121.

³⁹ Арабшоҳийларнинг Хоразмга кириб келиши қурол кучи билан эмас, маҳаллий элита ташаббуси билан амалга оширилганлиги тўғрисидаги фикр У. Абдурасулов томонидан ҳам илгари сурилган. Унинг қайд этишича, маҳаллий элитанинг ташаббуси билан Хоразмда ҳокимият тепасига келган янги сулола вакиллари жанубда Сафавийлар ва шарқда Бухоро Шайбонийларининг истилочилик ҳаракатига қарши қўйилган муқобил куч эди. Қаранг: Хорезм в Истории государственности Узбекистана ... – С. 150. Шу билан бирга, масаланинг моҳиятини фақатгина ташқи омиллар билан боғлаш kifоя эмас. Хусусан, бу ҳамкорлик аввало, мамлакат аҳолиси, айниқса, юқори табақа вакиллари орасида ҳукмдор ҳокимиятини мустаҳкамлаш, унинг қонунийлиги ва давомийлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлганлигини кўрсатиб ўтиш зарур.

биринчи ярмида Бухоро хони Убайдуллахон (1533-1539) ва иккинчи ярмида Абдуллахон II (1557-1598)нинг Хоразмга уюштирган юришлари ҳамда чегарадош Хуросон ерлари борасида Эрон ва Бухоро хонлиги ўртасидаги сиёсий рақобат масаласи кўриб чиқилган. Шунингдек, Хива хонлигининг дастлаб Бухоро хонлиги, XVI аср иккинчи ярмида эса, Сафавийлар Эрони билан олиб борган дипломатик алоқалари ва иттифоқчилик ҳаракатларига боғлиқ бўлган мураккаб жараёнлар таҳлил этилган.

Эронда марказий ҳокимиятнинг заифлашуви Мовароуннаҳрда мустаҳкамланиб бораётган Шайбоний ҳукмдорларининг кенг кўламда ҳарбий ҳаракатлар олиб бориши учун қулай шароит туғдирган эди. Уларнинг Хоразм ва Хуросонни ўз тасарруфига киритиш учун олиб борган ҳаракатлари табиийки, Хива хонлиги ҳамда ҳеч қачон Хуросон масаласига бефарқ бўлмаган Эрон давлати манфаатларига зид келар эди. Шунинг учун ҳам, иккала давлат Шайбонийларнинг заифлашувидан манфаатдор эди. Манфаатлардаги муштараклик эса, бир-бири билан ҳар доим ҳам дўстона муносабатда бўлмаган бу давлатларни яқинлаштирган. Ушбу бобда XVII аср иккинчи чорагида Хива хонлигида юз берган ички зиддиятлар ҳамда Араб Муҳаммадхон (1602-1621), Исфандиёрхон (1622-1642), Абулғозихон (1645-1663) ҳамда унинг ворислари Анушахон (1664-1689) ва Эренгхон (1689-1690)ларнинг Бухоро ва Қозоқ хонлари, шунингдек, Эрон ҳукмдорлари билан олиб борган дипломатик алоқалари Эрон ва маҳаллий манбалар ҳамда турли архив ҳужжатларини солиштириш орқали ёритиб берилди.

Келтирилган маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, Марказий Осиёда ташкил топган янги давлатларнинг бутун XVI аср мобайнида давом этган мустаҳкамланиш жараёни уларнинг ўз ҳудудларини кенгайтириш ҳамда кўшинни моддий жиҳатдан таъминлаш ва рағбатлантириш мақсадида олиб борган ҳарбий-истилочилик юришлари, маълум даражада мамлакатни марказлаштириш сиёсати билан боғлиқ эди.

Диссертациянинг **«XVIII асрда Хива хонлиги дипломатик муносабатлари ва давлат бошқарувида ташқи алоқалар масаласи»** деб номланган учинчи боби XVII аср охири – XVIII аср бошларида юзага келиб, аср ўрталарида авж олган «хонбози», яъни «хон бўлиш ўйини» деб, ном олган ҳолат ҳамда бу давр Хива хонлигидаги умумий вазият, ташқи алоқалар ва уларнинг давлат бошқаруви билан боғлиқ жиҳатларини ёритишга бағишланган.

Юқорида келтирилганидек, давлат бошқарувида «чингизийлар омили» ҳал қилувчи аҳамиятга эга эди. Бу даврга келиб, Хоразмда Чингизийларнинг вакиллари қолмаганлиги боис бу хонадонга мансуб шахзодалар Дашти Қипчоқ ва Бухоро хонлигидан келтирилиб, Хива тахтига ўтқазилар эди. «Кўғирчоқ хон» сифатида ўтқазилган чингизий султонларининг тез-тез алмашиб туриш ҳолати ўша давр манбаларида топқирлик билан «хонбози»

(хон бўлиш ўйини) деб, аталган эди⁴⁰. Бу ҳолат Хива хонлиги тахтига XVIII аср охири – XIX аср бошларида янги Қўнғиротлар сулоласининг келиши ва мамлакатда маълум даражада барқарорликнинг ўрнатилишига қадар давом этган.

1740 йилда Эрон шоҳи Нодиршоҳ Афшарнинг Хоразмга юриши ва Хива хони Элбарсхоннинг қатл этилиши туфайли хонлик тахтига Кичик Қозоқ жузидан чингизий Абулхайрхон таклиф этилган. У бу вақтда Россия империяси тобеълигида бўлишига қарамай, гарчи жуда қисқа муддатга бўлса-да, Хива хонлиги тахтига ўтирган. Мазкур ҳолат, яъни Хива хонлиги тахтига айна вақтда рус ҳукумати фуқаролигидаги бошқа давлат ҳукмдорининг ўтириши масаласи ушбу бобда атрофлича таҳлил этилди. Қозоқ жузларининг «рус фуқаролигини қабул қилиши» маълум маънода, Қозоғистон тарихига *Ақтабан шубрынды*, яъни *Катта ҳалокат* сифатида кирган воқеа, яъни 1723 йилда шарқдан кўчманчи жунғорларнинг Қозоқ даштига оммавий тарзда кириб келиши билан боғлиқ эди⁴¹. Бир-бири билан чамбарчас боғлиқ равишда содир бўлган ушбу воқеа-ҳодисалар Хива хонлигида ҳокимият легитимлигининг муҳим шартларидан ҳисобланган «чингизийлар омили» билан бирга «Россия омили»нинг ҳам пайдо бўлганлигини кўрсатади.

С.В. Жуковскийнинг Хива – Қозоқ алоқаларида сезиларли ўрин тутган «Россия омили» борасидаги фикри мавжуд вазиятни ифодалашга ёрдам беради. Хусусан, «бир карашда қирғиз-қайсоқлар (*қозоқлар*)нинг Россия таркибига киритилиши Россия – Ўрта Осиё муносабатларига алоқадор эмасдек кўринса-да, бу воқеа Ўрта Осиёда Рус давлати ҳукмронлигининг ўрнатилишига катта таъсир кўрсатган эди. Қирғиз даштлари (*Дашти Қипчоқ*)даги барча воқеаларда, ўзаро уруғлараро курашда [Хива] хонлар(и) фаол иштирок этишган» дея таъкидлайди олим⁴².

Аксарият илмий адабиётларда келтирилган умумий маълумотлардан фаркли ўлароқ, ушбу бобда Нодиршоҳнинг Марказий Осиёда мавжуд бўлган бошқарув анъаналарини эътироф этган ҳолда, маҳаллий амалдорлар билан ўрнатган келишувчилик алоқалари форс манбалари асосида ёритиб берилди⁴³. Ушбу бобда Арабшоҳийлар сулоласи даврида жорий этилган бошқарув тизими ва унинг ташқи алоқаларга боғлиқ жиҳатларини таҳлил этишга ҳам алоҳида эътибор берилди. Бу масаланинг кўриб чиқилиши тадқиқ этилаётган давр мамлакатда содир бўлган воқеа ва ҳодисаларнинг туб моҳиятини чуқурроқ тушунишга, уларнинг назарий-концептуал жиҳатларини, асосий омил ва сабабларини очиб беришга ёрдам берди.

⁴⁰ Мирзо Олим Махдум ҳожи. Тарихи Туркистон. – Тошкент, 2008. – Б. 193; Yuri Bregel. Notes / Yuri Bregel, ed., Firdaws al-iqbal ... – P. 559. Note. 590; Абдурасулов У. От Арабшахидов к Кунградам ... – С. 21-22.

⁴¹ Басин В.Я. Казахстан в системе внешней политики России ... – С. 74.

⁴² Жуковский С.В. Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие ... – С. 75.

⁴³ Бу масалада батафсил қаранг: Wilde A., Allaeva N. Lost in Khvārazm. On the Interdependence of Power and Conflict in the Example of Nādir Shāh's Khīva Campaign(s) // Central Asiatic Journal. – Germany: Harrasowitz, Wiesbaden, 2016 (59, 1/2). – Pp. 77-100.

Хива хонлигининг шаклланиш жараёни бевосита давлат бошқарувида яққол намоён бўлган маданий қоришув ҳамда кўчманчи дашт тартиб-қоидалари ва маҳаллий ўтроқ давлатчилик анъаналарининг ўзига хос симбиози билан боғлиқ тарзда кечган эди. Хусусан, мамлакатни майда улусларга бўлиб бошқариш, яъни тарихшуносликда «аппанаж, улус ёки удел тизими», деб аталган давлат бошқаруви жорий этилган. Академик Я. Гуломов бошқарувнинг удел тизими бирлашишга ёрдам бериш ўрнига, Хоразмдек ҳосилдор мамлакат хўжалигининг тушкунликка учрашига олиб келганлигини таъкидлайди⁴⁴. Шу билан бирга, ўзаро урушларга кенг йўл очган бошқарувнинг бундай кўриниши нафақат хўжалик, балки сиёсий инкирозни ҳам кучайтирганлигини қайд этиш жоиз.

Диссертациянинг иккинчи бобида В.В. Бартольд томонидан удел тизимининг Бухородан кўра, Хива хонлигида кўпроқ салбий таъсир ва оқибатларга эга бўлганлиги борасидаги фикрлари, шунингдек, М. Диксон, Ю. Брегель ва Р. Макчезнининг бевосита, улус – аппанаж тизимининг хонлик ташқи алоқаларига доир хулосалари юзасидан мулоҳазалар билдирилди. Қайд этиш лозимки, уларнинг келтирган мисолларини «улус тизимининг ташқи сиёсат механизми» сифатида қабул қилиш ва «улуслар ички ишларда бўлгани сингари, ташқи сиёсатда ҳам етарли даражада мустақил бўлган» деб хулоса чиқариш учун тўла асос бўла олмайди. Бирламчи манбалардаги маълумотларнинг аксарияти элчилар ва дипломатик ёзишмалар тўғридан-тўғри олий ҳукмдорга йўлланганлигидан далолат беради. Қолаверса, XVI – XVII асрларда анча аниқ шаклларга эга бўлиб, XVIII – XIX асрларда қатъийлашиб борган «дипломатик протокол» ўрнатилган дипломатик этикет қоидаларига риоя қилишни талаб этар эди. Эрон шоҳлари ва Россия подшоларининг Хива хонлари билан ўзаро ёзишмалари бунга яққол мисол бўлади. Шу жиҳатдан, бошқарувнинг улус тизимини алоҳида комплекс тадқиқот сифатида ўрганиш лозим.

Шунингдек, диссертациянинг ушбу бобида ҳокимият легитимациясига доир масалалардан, ўзининг муҳимлик даражасини бутун сўнгги ўрта асрларда деярли тўлалигича сақлаб қолган «хон кўтариш» (ҳукмдорни оқ кигизда кўтариб) – тахтга ўтказиш маросими ҳам ёритиб берилган. Ўтроқ маданиятнинг кўчманчи Дашт ҳамда Эрон давлат бошқаруви анъаналари билан ўзаро таъсир ҳолатлари ва улар орқали Хива хонлигининг Бухоро, Қозоқ жузлари ва Эрон билан муносабатлари кўриб чиқилган.

Келтирилган маълумотлар кўрсатадики, бу давр воқеаларининг боришида ва минтақадаги кучлар нисбатини белигилашда «чингизийлар омили» катта таъсирга эга эди. Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ Афшарнинг Ўрта Осиёга уюштирган кенг қўламли ҳарбий юриши эса, Хива хонлиги ҳудудида Эрон, Қозоқ жузлари, Бухоро хонлиги ва Россия империяси

⁴⁴ Гулямов Я. История орошения Хорезма ... – С. 190-191.

манфаатларининг кесишувига сабаб бўлган. Шу жиҳатдан, бу давр воқеалари бир мамлакат доирасидан чиқиб, деярли бутун минтақани қамраб олган эди.

Диссертациянинг «1770-1870 йилларда Хива хонлиги ташқи алоқалари динамикаси: анъаналар ва юз берган ўзгаришлар» деб номланган тўртинчи бобида Хива хонлигида янги, маҳаллий Қўнғиротлар⁴⁵ сулоласининг ҳокимиятга келиш жараёни, бу даврда Бухоро ва Қўқон хонликлари, Қозоқ жузлари ҳамда Эрон билан олиб борилган дипломатик алоқалар масаласи ёритиб берилган.

XVIII асрнинг 70-йилларида сиёсат майдонида фаоллашган Муҳаммад Амин иноқнинг ҳаракатлари туфайли ўзаро урушларга ва ташқи ҳужумларга барҳам бериш, Қўнғирот иноқларига ўз мавқеларини мустаҳкамлаб олиш учун шароит вужудга келган эди. Лекин, бу ҳаракатлар кейинроқ унинг ворислари даврида ўз натижаларини берган. Сиёсий бошбошдоқлик ҳукм сурган XVIII аср иккинчи ярмида *иноқ* лавозимида бўлиб, ҳокимият бошқарувида фаол иштирок этиб келган Қўнғиротлар сулоласи вакиллари Элтузархон давридагина расман *хон* мақомини олишган. «Фирдавс ул-икбол»да келтирилишича, 1804 йил 17 ноябрда Элтузар иноқ «қўғирчоқ хон» чингизий Абулғозихон V ни тахтдан тушириб, ўзи «подшоҳлиғ тахтига жулус қилган (*чиққан*)»⁴⁶.

Ушбу бобда Қўнғиротлар сулоласи вакилларининг ўз мавқеини мустаҳкамлаш йўлидаги ҳаракатлари, жумладан, Элтузархоннинг Бухоро амирлигига нисбатан юритган сиёсати атрофлича таҳлил этилган.

Манбаларда Элтузархондан илгари «қўнғирот ҳукумдорлари номига сакка (*танга*) бўлмай, қозоқия хонларидин бирининг номига хутба ўқулуб, Бухоро ва Эрон тангалари баробар тадовил (*истеъмол*) қилинур эди», деб маълумот берилган⁴⁷. Элтузархон зарб эттирган тангалардаги ёзувда «сакка зад аз фазли ҳақ бар сийму зар; Вориси хоразмшоҳ-и Элтузар» деб келтирилган⁴⁸. Ушбу ёзувнинг мазмунидан мулоҳаза қилиш мумкинки, Элтузархон ўз ҳокимиятининг легитимлигини асослашда маҳаллий сулола вакили сифатида Буюк Хоразмшоҳларнинг вориси эканлигига урғу берган.

Кейинги воқеалар кўрсатадики, Элтузархон тез орада фожеали тарзда ҳалок бўлгач, 1806 йил 29 июлда чингизий Абулғозихон яна қайта тахтга ўтказилган. Мазкур ҳолатга муносабат билдирган В.В. Бартольд «анъаналар таъсири шу қадар кучли эдики, Хива ва Бухородаги янги сулолаларнинг хон унвонини олган дастлабки вакилларида сўнг, уларнинг ворислари анча содда унвонлар билан кифояланишган ва яна илгаригидек, Чингизийлар авлодидан бўлган «қўғирчоқ хон»ларни тахтга ўтқозиш одатига қайтишган

⁴⁵ Қўнғирот уруғи ҳақида фикр билдирган Исенбике Тўғон, улар Чингизхон хонадони аёлларининг шажарасига бориб тақалишини қайд этади. Қаранг: Isenbike Togan. The Qongrat in History // History and historiography of Post-Mongol Central Asia and Middle East. Studies in Honor of John E. Woods. Edited by J. Pfeiffer and Sholeh A. Quinn in Collaboration with Ernest Tucker. – Germany: Harrassowitz Verlag – Wiesbaden, 2006. – P. 61-83.

⁴⁶ Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-икбол. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – Б. 212.

⁴⁷ Мирзо олим Махдум хожи. Тарихи Туркистон ... – Б. 194.

⁴⁸ Мирзо олим Махдум хожи. Тарихи Туркистон ... – Б. 193.

эди» деб таъкидлайди⁴⁹. Вазиятга тўлиқ баҳо бериш мақсадида ушбу воқеаларни атрофлича мушоҳада қилишга диққат қаратилди. Хусусан, анъаналарнинг таъсир кучини инкор этмаган ҳолда, юзага келган ҳолатни ҳам эътиборга олиш лозим. Аввало, Элтузархон Бухорога қилинган юриш вақтида ҳалок бўлган эди, қолаверса, тахтга ўтириши мумкин бўлган Қутлумуродбек *иноқ* асир тушган ва ҳар лаҳзада қўшин орасида исён кўтарилиши ёки турли мухолиф кучлар томонидан фитна уюштирилиши кутилар эди. Шу жиҳатдан, вазиятни тезлик билан қўлга олиш зарур бўлган. «Фирдавс ул-иқбол»да «хони жаннатмакон Элтузар Муҳаммад Баҳодирхоннинг воқеаи ҳасратангез ва ҳодисаи кулфатомезидин сўнг жами Беш қалъа⁵⁰ ўзбеки изҳори бевафолиғ ва ибрази ношнолиғ қилиб, тожик (*Бухоро*) сипоҳиға муте ва фармонбардор бўлуб, ...ҳамул йил Хивақ музофотиға ҳар тарафдин чаповул (*хужум*) урдилар», деб келтирилган маълумотлар ушбу вазият ҳақида аниқроқ тасаввур беради⁵¹.

Шу боис, бундай ҳолатда ҳамма бирдек, жумладан, оддий халқдан тортиб, то сарой аслзодалари (*аҳли байт*) ҳамда жамиятнинг юқори табақа вакиллариғача тан олиши мумкин бўлган шахс хон, деб эълон қилиниши лозим эди. Элтузархон Қўнғиротлар сулоласи вакилларидан биринчи бўлиб, «чингизийлар омили»ни эътибордан соқит қилган ҳолда, «хон» унвонини олганидан кўп вақт ўтмаган ва ҳали бу қоида ўз кучига эга бўлмаган эди. Табиийки, ушбу вазиятда синалган эски механизмдан фойдаланиш, яъни «қўғирчоқ Абулхайрхон»ни тахтга ўтқазиб энг тўғри йўл, деб топилган. Лекин, янги сулола вакиллариға вазиятни қўлга олиш учун беш ой етарли бўлган ва манбада маълум қилинганидек, 1806 йил 29 декабр тунида чингизий Абулғозихон тахтдан олиниб, Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825) хон этиб кўтарилган. Шу тариқа, «чингизия дудмони (*хонадони*)нинг давлати Хоразм музофотидин мунқате бўлди (*узилди*)» дея қайд этилади «Фирдавс ул-иқбол»да⁵².

Янги сулола вакиллари энг аввало «хонбози» (*хон бўлиши ўйини*) ҳолатиға барҳам беришган эди. Шундан сўнг, улар ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида турли мухолиф кучларға қарши кураш олиб боришға мажбур бўлишган. Минтақадаги умумий вазият ҳам бу даврда кенг кўламли ҳарбий ҳаракатлар олиб боришни тақозо этган эди.

Ўрта Осиё масаласида Россия ва Англия империялари ўртасидаги рақобатнинг кучайиши, Қозоқ даштларида Россия – Хива ҳамда Хуросонда Эрон, Хива ва Бухоро хонликлари манфаатларининг тўқнашуви, жумладан, ўзаро чегарадош ҳудудларда тез-тез содир этиладиган «оломон»

⁴⁹ Бартольд В.В. Узбекские ханства ... – С. 278-279.

⁵⁰ XVIII аср муаллифлари томонидан Ҳазорасп, Хонқа, Урганч, Кат ва Шохобод шаҳарларини ўз ичига олган Жанубий Хоразмға нисбатан қўлланган ибора. Қаранг: Материалы по истории туркмен и Туркмении XVI – XIX вв. ... – С. 334.

⁵¹ Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б. 246.

⁵² Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол ... – Б. 112.

хужумларининг⁵³ оқибатида қул савдосининг авж олиши – булар XIX аср Марказий Осиё минтақасида юзага келган сиёсий вазиятни белгилаган асосий омиллар эди. Бундай шароитда Ўрта Осиё хонликлари учун энг тўғри йўл бирлашиш ва ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш эди. «Анжум ат-таворих»да келтирилган Қўқон хони Олимхон (1798-1810)нинг бирлашиш борасидаги фикрлари, унинг айнан шундай иттифоқчиликка бўлган интилишини ифодалайди. Хусусан, «...баъзан [хоннинг] гавҳар сочувчи тилидан шундай сўзлар томардики: бу кичик мамлакат, яъни Фарғона, Бухоро ва Хоразм бир нечта хонни сиғдира олмайди. Бу вилоятларнинг хонлари ва амирлари ораларидан бир нафарни улуғлик ва раҳбарликка танлаб, иттифоқ билан ҳукумат тузишлари лозим. Бу фикр ва мулоҳазалар билан тўла мактубларни ёзиб, у қўшни хонлар ва умароларга юбориб, уларни иттифоқ ва бирлашишга даъват қилар эди. Хоразм хони бу таклифларни қабул қилиб, Бухоро амиридан ҳали жавоб келмасдан, [Олимхоннинг] умри бу мақсадларини рўёбга чиқариш учун унга вафо қилмади», дея қайд этилган манбада⁵⁴.

Баъзи манбаларнинг гувоҳлик беришича, XIX асрда кучайиб борган Россия империяси ва Эрон сингари давлатлар уларга нисбатан кичик бўлган Хива хонлигига ташқи дунёдан узилиб қолган қоқоқ давлат сифатида қараган. Эрон элчиси Муҳаммад Алихон Ғафурнинг (1841 й.) Хива амалдорларига такаббурлик ва кўполлик билан «...сизлар қоидани билмайсизлар. [Дипломатия] қоидаларини назардан соқит қилиб, кўнглингизга келганини гапираверасизлар. Сизлар катта давлатлар билан музокара олиб бормагансизлар»⁵⁵ қабалидаги танқидлари бунга мисол бўлиши мумкин. Бундай ёндашув XIX – XX аср тадқиқотчиларининг ишларида ҳам учрайди.

XIX асрнинг биринчи ярмида содир бўлган воқеалар эса, Россия империяси ва Эрон сингари «катта давлатлар» ҳам Хива хонлиги билан ҳисоблашишга мажбур бўлганлигини кўрсатади. Рус ҳукуматининг юқори доираларида Хива хонлиги билан очиқ жанг қилишдан кўра, дипломатик муносабатларни йўлга қўйиш афзал, деб топилган эди. XIX аср воқеаларининг замондоши И.В. Захарьин шундай ёзади: «бутун отряди билан ҳалок бўлган князь Бекович-Черкасскийнинг фожеъали тарзда яқун топган 1717 йилги Хива экспедицияси ҳамда генерал-адъютант В.А. Перовскийнинг 1839 йилдаги худди шундай бахтсиз қисмати ҳамманинг кўз ўнгида Хивани руслар учун қўл етмас бир сеҳрланган худудга айлантириб қўйган эди. Петербургнинг ҳукмрон доираларида айнан олислиги, айниқса, атрофдаги қумли чўлларнинг сувсизлиги туфайли Хивани ҳарбий куч билан олиш мушкул ва деярли имконсиздир, деган тушунча ҳосил бўлган. Шу туфайли,

⁵³ *оломон* – ўлжа ва асирларни қўлга тушириш мақсадида уюштирилдиган хужум, қаранг: Маннонов Б. Отношения Ирана со среднеазиатскими ханствами ... – С. 56-71.

⁵⁴ Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих. – Тошкент, 2010. – Б. 146.

⁵⁵ Муҳаммад Алихон Ғафур. Хоразм сафари кундалиги / Хоразм сафари кундаликлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 38.

тинчлик йўлига кириб, бу хонлик билан дипломатик алоқаларни бошлашга қарор қилинган эди»⁵⁶.

XIX асрда Хива хонлигининг қўшни давлатлар билан олиб борган алоқалари умумий жиҳатлардан ташқари, хусусий ҳолатларга эга бўлганлигини ҳисобга олган ҳолда, ушбу бобда унинг Бухоро ва Қўқон хонликлари, Қозоқ жузлари ҳамда Эрон давлати билан ўзаро алоқалари алоҳида-алоҳида кўриб чиқилган.

Хива хонлигининг Бухоро ва Қўқон билан ўзаро алоқалари. Қайд этиш жоизки, бу даврда Хоразмдаги деярли барча ижтимоий-сиёсий жараёнларда Бухоро хонлигининг бевосита иштироки ва таъсирини кузатиш мумкин. Хива-Бухоро муносабатлари кўп ҳолларда мураккаб ва зиддиятли бўлиб қолганки, бунинг асосий сабабларидан бири – бу икки хонликда ҳам тез-тез бош кўтариб турган ички муҳолиф кучларга қўшни хонлик томонидан ҳарбий-сиёсий кўмак берилиши эди. Марказий ҳокимиятга қарши бўлган Хива хонлигидаги муҳолиф кучлар юзага келган ҳар қандай қулай вазиятда кураш бошлар ва бунда Бухоро ҳукмдорларининг мададига таянар эди. Аксинча, Бухоро хонлигидаги «бебош амирлар» ҳам Хива хонлиги томонидан қўллаб-қувватланар эди.

Диссертациянинг ушбу бобида Хива – Бухоро ўзаро алоқаларига путур етказган яна бир омил сифатида «Марв масаласи» таҳлил қилинган. Хусусан, Марв вилояти ва унинг атрофидаги ҳудудлар борасидаги сиёсий рақобат ҳамда бу ерда истиқомат қилувчи туркман уруғларининг гоҳ у, гоҳ бу томонга ён босиб, икки ёқлама ҳаракат олиб борганликлари жиддий оқибатларга олиб келганлиги бирламчи манбалар асосида кўрсатиб берилган.

Қайд этиб ўтиш жоизки, Бухоро – Қўқон муносабатларидаги зиддиятли ҳолат Хива ва Қўқон хонликларини ўзаро дўстлик алоқаларини ушлаб туришга ундаган. Кўп ҳолларда Хива қўшинларининг Бухоро ҳудудларига юриши Қўқон хонлигига ҳужум қилган Бухоро ҳукмдорининг ҳарбий ҳаракатларини тўхтатиб қўяр, бу билан вазиятнинг Қўқон хонлиги фойдасига ҳал бўлишига ёрдам берар эди. Маълумотлар кўрсатадики, ҳар икки томон рақибини енгиш ва ўзининг устунлигини таъминлаш учун кўп ҳолларда муҳолифига иқтисодий зарар етказиш ҳамда катта ўлжалар келтирувчи «оломон» ҳужумларини уюштириш йўлини тутган. Манбаларда эса, ҳукмдорларнинг қўшни ҳудудларга қилган юришлари «интиқом олиш» ёки «танбеҳ бериш» ва «тартибга чақириш» мақсадида амалга оширилган ижтимоий-сиёсий тадбир сифатида изоҳланган.

Уччала хонлик ўртасидаги муносабатларнинг эътиборли жиҳати сифатида шуни кўрсатиб ўтиш мумкинки, Хива хонлиги бир вақтда ўзаро зиддиятлашган Бухоро ва Қўқон хонликлари билан дипломатик алоқаларини олиб бораверган. XIX асрнинг 50-йилларидан бошлаб, Россия империясининг Ўрта Осиёдаги ҳарий ҳаракатлари фаоллашиши билан учта хонлик

⁵⁶ Захарьин И.В. Посольство в Хиву в 1842 году (по рассказам и запискам очевидца) / <http://www.vostlit.info/Texts/Dokumenty/M.Asien>

ўртасидаги алоқаларда ўзаро ёрдам, рус кўшинларига қарши курашда ҳамкорлик қилиш масаласи олдинга ўринга чиққан эди. Лекин, афсуски, бу ҳаракатлар бошланганда анча кеч бўлган ва вазият қўлдан бой берилган эди.

